



Айёмингиз муборақ, мунис ва мухтарам
онахонлару онахонлар, лобар сингилхонлар!



Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон



janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 7 март, шанба, №26 (3672).

Аёл билан мунаввар олам!



Мўтабар онахонлар ва мухтарам опа-сингиллар!

Сизларни кўкларнинг энг севимли, энг гўзал байрами – 8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан муборақбод этамиз.

Қурраи заминга нафис баҳор келганини билдирувчи бу айёмнинг ахамияти ўзгача.

Гўзаллик, латофат ва меҳр рамзи бўлган сўзлар одатда Она деган улуг тушунча билан уйғунлашади.

Ҳар оиладаги кут-баракат, файз ва тароватда Сизнинг бекиёс меҳнатингиз, меҳр-муҳаббатингиз ва сабр-тоқатингиз мужассам.

Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев: “Урф-одатларимиз ва она тилимизнинг бугунги мақоми – энг аввало, оналаримиз шарофати туйғайди. Қозоғистоннинг турли соҳалардаги муваффақиятида аёлларимизнинг бекиёс меҳнати мужассам”, деб бежиз таъкидламади. Сиз устоз-мураббий бўлиб ёш авлодни тарбияламоқдасиз, шифокор бўлиб беморлар дардига малҳамсиз, тадбиркор сифатида иқтисодиётни юксалтирмоқдасиз. Давлат хизматидаги масъул лавозимларда ҳам ақл-заковатингиз, утқир зехнингиз билан юксак марраларни забт этмоқдасиз.

Ўзингиз гувоҳсиз, Туркистон вилоятида хотин-қизлар жамияти барча соҳаларда фаол. Айниқса, тадбиркорлик, бизнес соҳасида кўшатишган ҳиссаси йил сайин ортаётмир. Вилоят миқёсида қарийб 214 мингдан зиёд тадбиркор бор. Унинг 88 минг нафари – хотин-қизлар. Яъни, кичик ва ўрта бизнес иншоотларининг 41 фоизига ишбилармон хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Шу тариқа, илғор ва уйдабуро опа-сингилларимиз мамлакат иқтисодиёти тараққиётига бекиёс ҳисса қўшишмоқда.

Бу эзгу ишда жамият ойнаси – хотин-қизларнинг ўрни бўлакча.

Туркистон – кўп болали оналар сони жиҳатида биринчи ўринда туради.

2025 йилда минтақада 45 мингдан зиёд чақалоқ дунёга келди.

Вилоятимизда 191337 нафар серфарзанд она бор. Биз 18 мингга яқин “Алтын алқа”, 45 мингга яқин “Кўмис алқа” соҳибалари билан фахрланамиз.

Мухтарам онахонлар!

Сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизда тўқин-сочинлик, бахт-саодат, ишларингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз!

Нуралхан КҮШЕРОВ,
вилоят ҳокими,
Нурали АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.



Ҳар биримизнинг овозимиз муҳим!

15 МАРТ РЕФЕРЕНДУМ

Референдумда фуқароларга
“2026 йил 12 февралда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган
“Қозоғистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳасини қабул қиласизми?” деган савол тақдим этилади.

Референдум фуқароларнинг ихтиёрий иштироки, эркин танлови асосида, шунингдек, умумий, тенг, бевосита ва яширин овоз бериш тамойиллари асосида ўтказилади.

Қозоғистон Республикаси
Марказий референдум комиссияси

www.election.gov.kz



БУНЁДКОРЛИККА ОМИЛ БЎЛГАН ЕТТИ ЙИЛ

Қасим-Жумарт Тўқаев яхлит миллат тақдирини зиммасига олган етти йил Қозоғистон учун жиддий синовлар ва улкан ўзгаришлар даври бўлди. Бу йиллар дунё миқёсидаги пандемия, оғир иқтисодий аҳвол, пулнинг қадрсизланиши ва геосиёсий беқарорлик каби мураккаб даврига тўғри келди.

Шундай оғир вазиятга қарамастан, Давлат раҳбари барқарорлиқни сақлаб қолиш ва мамлакатни янги тараққиёт йўлига олиб чиқишга эришди. Натижалар эса кўзга ташланмоқда. 2025 йилда жаҳон иқтисодиётида юксалиш 3,3 фоизни ташкил этса, Қозоғистонда ички ялпи маҳсулот 6,5 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг таркиби ҳам ўзгарди. Илгари ўсиш асосан хомашёга боғлиқ бўлса, бугун қайта ишлаш саноати, қурилиш, савдо, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳалари асосий ҳаракатланувчи кучга айланди.

Етти йил ичида мамлакатнинг номинал ички ялпи маҳсулоти 1,7 фоизга ўсиб, 2019 йили 181,7 миллиард доллар бўлган кўрсаткич 2025 йили 305,9 миллиард долларга етди. Жон бошига тўғри келадиган ички ялпи маҳсулот ҳам барқарор равишда ошди, 2019 йилда 9,8 минг доллар бўлган кўрсаткич 2025 йил натижасига кўра, 15 минг долларга етди.

Қайта ишлаш саноати ҳажми 2,5 баравардан зиёд ўсди, 2019 йилда 11,5 триллион тенге бўлган кўрсаткич 2025 йилда 30,63 триллион тенгегача етди. ИЯМда қайта ишлаш саноати улуши 11,4 фоиздан 12,7 фоизгача ошса, ерости бойлиқларини етиштирувчи шўъба ҳиссаси 14,5 фоиздан 12 фоизга қисқарди.

Мазкур кўрсаткичлар ортида янгидан бунёд этилган йирик техника ва автомобиль шиналари, Атирау вилоятида полипропилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Алматы вилоятида вольфрам концентрати ишлаб чиқарила бошласа, Павлодар вилоятида темирйўл техникасига мўлжалланган эҳтиёт қисмлар саноати, Шимкентда алюминий қоплама ишлаб чиқариш ва нодир металлари

қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди.

Иқтисодиётнинг энг фаол тармоқларидан бири бугун қурилиш соҳасидир. У барқарор тараққиёт кўрсаткичларини намойён этмоқда. Ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 20 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой фойдаланишга топширилди. Бу икки вилоят маркази – Павлодар ва Қўстанаё шаҳарларининг жами уй-жой жамғармасидан анча кўп демак.

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, Қозоғистон дунёдаги энг йирик 50та иқтисодиётнинг қаторига кирди, шунингдек, ўртача йиллик иқтисодий ўсиш суръати бўйича кучли беш давлат сафида бормоқда.

“World Competitiveness Ranking” рейтинг маълумотлари бўйича мамлакатимиз дунё рақобатбардошлик кўрсаткичида 34-ўринда. Бунга давлатимизнинг сармоявий ва ишбилармонлик жозибадорлиги ортиб бораётгани туйғайли эришилди.

Ҳозир ерости қазилма бойлиқлари етиштириш шўъбасидаги ўзгаришлар макроиқтисодиётнинг барқарорлигига сезиларли таъсир кўрсатаётгани йўқ. Бу эса тараққиётнинг мустақам асосига эга бўлганидан далолат беради.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАСИМ-ЖҮМАРТ ТҮҚАЕВНИНГ САРМОЯВИЙ СИЁСАТИ ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИЛАШНИНГ АСОСИЙ ДАСТАКЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.

Етти йил ичида асосий капиталга жалб қилинган сармоя ҳажми 12,6 триллион тенгедан 22,7 триллион тенгегача етди. Жумладан, иш услуби ҳам сезиларли ўзгарди: маблагнинг асосий қисми қайта ишлаш саноатига, инфратузилмага, энергетикага, логистика ва агросаноат мажмуасига йўналтирилмоқда.

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш давлатнинг стратегик устуворлиги бўлиб

қолмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлиги, соҳани янгилаш, экспорт ҳажмини ошириш – буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини яхшилаш билан бевосита боғлиқ.

Обикор дехқончилик ва инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда: яқин келажакда суғориладиган экин майдонларини 2,5 миллион гектарга етказиш кўзланмоқда.

Ирригация тизимлари, элеваторлар, қайта ишлаш ўринлари ва логистика тармоқларини янгилаш ишлари давом эттирилмоқда. Чорвачиликни қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кучайтириш қўшимча қиймати юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти кенгаймоқда.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти етти йилда икки қиссага, яъни 2019 йили 5,2 триллион тенгедан 2025 йили 9,8 триллион тенгегача, озиқ-овқат саноати ҳажми 1,7 триллион тенгедан 3,9 триллион тенгегача ошди.

Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, соҳани қўллаб-қувватлаш ҳажми йилга бир триллион тенгегача етказилди, хўжаликларга тегишли маблагларни эртароқ ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Натижада, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш яхшиланди, чорвадорлар эса ўз навбатида йил сайин мамлакатимизни мўл маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда.

Қозоғистон аънанавий рившида жаҳон бозорига ғалла ва ун етказиб бераётган етакчи давлатлар қаторида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг географияси ҳам Марказий Осиё ва Афғонистондан бошлаб Яқин Шарқ давлатлари ва Хитойга, Европа ва бошқа йўналишларгача етмоқда.

Саноат шўъбасида “Байтерек” сармоявий холдинги орқали бутун мамлакатимиз бўйлаб қўллаб-қувватлаш мажмуаси яратилди. Жумладан, Алматыда энгил автомобиллар ишлаб чиқариш саноати, Қарағанди вилоятида “Qarmet” пўлат эритиш корхонаси, Павлодар вилоятида Қозоғистон электролиз заводи, Туркистон вилоятида “Ecoculture-Eurasia” иссиқхона

мажмуаси, Алматы вилоятида “Шин-лайн” музқаймоқ чиқариш корхонаси фаолият бошлади.

Етти йилда “Байтерек” сармоявий холдинги орқали молиялаштириш ҳажми 2,9 триллион тенгедан 10,4 триллион тенгегача ошди. Ҳозирги кунда холдинг кўмаги билан металлургия соҳасида умумий ҳажми 3,9 триллион тенгелик 23та лойиҳа амалга оширилмоқда, машинасозлик соҳасида 610,6 миллиард тенгегача 21та лойиҳа молиялаштириш жараёнида бўлса, кимё саноатида қиймати 636 миллиард тенгени ташкил қиладиган 11та лойиҳа, агросаноат соҳасида эса 415,9 миллиард тенгелик 69та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбари ички маҳсулот ва асосий иш билан таъминлаш манбаи сифатида микро ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ИЯМдаги улуши 40,5 фоизга етди, мазкур шўъбада 4,5 миллионга яқин одам ишлайди, бу – меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли ярми дегани.

Кичик тадбиркорликнинг фаоллиги фақат савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эмас, шунингдек, транспорт ва қайта ишлаш саноатида ҳам ортиб бораётганини таъкидлаш зарур.

Маъмурий тўсиқларнинг камайирилиши, фойз миқдорларини субсидиялаш, кафолатлаш дастаклари ва тараққиёт тузилмалари дастурлари орқали молиялаштириш тизими тадбиркорлар учун қулайлаштирилди.

Йил сайин минглаб лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда. Имтиёзли молиялаштириш ҳажми юзлаб миллиард тенгегача етди. Бундан ташқари, давлат хизматларини рақамлаштириш рўйхатга олиш ва ҳисобот жараёнларини энгиллаштирмоқда.

Янги сармоявий босқичнинг муҳим лойиҳаларидан бири – “Alatau City” кўп тармоқли шаҳарсозлик кластеридир. Президент топшириғи бўйича, янгидан қад ростлайдиган шаҳар инновациявий иқтисодиётни, илғор технология саноатини, таълим ва тадбиркорлик инфратузилмаси тараққиётига янги суръат бағишлайдиган янги йўналишга айланади.

(Давоми 2-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда).

ФАОЛ ГЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР МАМЛАКАТНИНГ МИНЕРАЛ-ХОМАШЁ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Сўнгги йилларда мис, никель, кўмир, олтун ва нодир металллар захираларига эга бўлган унлаб истиқболли конлар аниқланди. 2026 йилнинг охиригача мамлакат ҳудудида геологик ва геофизик тадқиқотлар ҳажмини 2,2 миллион квадрат километрга етказиш режалаштирилган.

Президент топшириғига мувофиқ, 2026-2028 йилларда геологик тадқиқот ишларига давлат томонидан 240 миллиард тенгегача сармоя жалб қилинади. Бу ўтган йигирма йил давомида ушбу йўналишга сарфланган маблағлар миқдорига тенгидир. Шу билан бирга, ташқи сармоядорларнинг қизиқиши ҳам ортмоқда. Барча қарорлар миллий манфаатлар асосида қабул қилинади. Бундай ишлар узоқ муддатли sanoat тараққиётига замин яратди.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТРАНЗИТ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ҲАМ – ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА.

Бу борада Транскаспий халқаро транспорт йўналиши ёки Ўрта даҳлиз муҳим ўрин тутди. Сўнгги етти йилда юк ташин ҳажми 5 баравар ошди.

Замонавий темирйўл инфратузилмаси мамлакатнинг транзит салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Кейинги етти йилда 1 минг чакиримга яқин темирйўл қурилди, 9,5 минг чакирим йўл таъмирланди, жумладан, 3,5 минг чакирим тубдан таъмирланди.

Шимкент, Ақтўбе, Қарағанди шаҳарларидаги ва чегара яқинидаги темирйўл тармоқларини замонавийлаштириш орқали юк ташин имконияти кенгайди, минтақалар ўртасида ўзаро алоқа мустаҳкамланди. Логистика харажатлари камайиб, натижада транзит ҳажми ошди, ички бозорнинг имкониятлари кенгайди.

Жорий йилда узоқ йиллар давомида таъмирланмаган, 124та темирйўл вокзали янгиланмоқда.

Денгиз портларининг қуввати ҳам кенгайтирилмоқда. Терминаллар янгиланиб, юк ўтказиш имконияти ортмоқда. Асосий тармоқлардан бири – Жетису вилоятидаги “Қорғас” куруқликдаги юк порти орқали ҳар йили минглаб контейнерлар ўтади.

Алмати ва Жетису вилоятларида юкларни бир марказга жамлаб, текширувдан ўтказиш имконига эга логистика марказлари барпо этилди.

Етти йил давомида 25 минг чакиримдан зиёд автомобиль йўли қурилиб, тубдан таъмирланди, шунингдек, Марказий-Жанубий, Марказий-Шарқ, Ғарб-Шарқ даҳлизлари ишга туширилди, барча ҳудудларда маҳаллий йўллар тармоғи янгиланди.

Узоқ йиллар давомида етарлича молиялаштирилмаган маҳаллий йўлларни таъмирлаш ва янги йўллар қуриш иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатди. Транспорт харажатлари қисқарди, савдо ҳажми ошди, кичик ва ўрта тadbиркорлик ривожланди, ҳудудларнинг сармоявий жозибадорлиги ортди. Бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда.

Денгиз портларининг ҳозирги ўтказиш салоҳияти 22 миллион тонна, жумладан, Ақтау порти орқали 15 миллион тонна ва Қуриқ порти орқали 7 миллион тоннани ташкил қилди.

2025 йилнинг натижаларига кўра, портлар орқали юк ўтказиш 8 миллион тоннага ортди, контейнерда ташин ҳажми 90 мингга етди. Таққослаш учун, 2024 йили бу кўрсаткич тахминан 60 минг контейнер бўлган.

Авиация соҳасида ҳам барқарор юксалиш кузатилмоқда. 2023 йилда аэропортлар 26 миллион йўловчига хизмат кўрсатса, 2025 йили бу кўрсаткич 31,8 миллионга етди. Қозоғистон 30тадан зиёд давлат билан ҳаво қатновларини йўлга қўйди, 130 йўналиш бўйича 600дан зиёд авиакатнов амалга оширилмоқда. Аэропортлар янгиланиб, янги терминаллар қурилмоқда, инфратузилмалар янгиланмоқда.

Жорий йил Катўнқарагай, Зайсан, Кендирли, Арқалиқда 4та янги аэропорт фойдаланишга топширилди. Арқалиқ шаҳридаги 30 йилдан бўён қаровсиз қолган аэропорт Президентнинг бевосита топшириғи асосида қайта тикланмоқда.

Транспорт инфратузилмаси тараққиёти сайёҳлик соҳасига бевосита таъсир кўрсатмоқда. 2022 йилдан, пандемиядан кейинги тиклаш даврида мамлакатимизга келувчи сайёҳлар сони ортмоқда. Хусусан, Хитой, Ҳиндистон, Форс кўрфазини давлатларидан келган сайёҳлар ҳисобига туризм оқими кенгайди. “Lonely Planet” йирик халқаро ташкилоти Қозоғистонни “Best in Travel 2025” рейтингига киритди, “CNN” ва “The York Times” Алматини кучли сайёҳлик йўналиши сифатида қайд этди, Шимбулак “Conde Nast Traveler” рейтингига илгор йўналишлар рўйхатига киритилди.

Шу муносабат билан Давлат раҳбари Алмати тоғ кластерини янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Лойиҳанинг даромад манбаи ҳам маълум: тоғ курортининг инфратузилмасига жалб қилинган ҳар бир доллар иқтисодиётга қўшимча даромад келтиради.

Бундай йирик лойиҳалар минглаб иш ўрни яратиб, йил сайин 100 миллиард тенгегача яқин солиқ тушумларини таъминлайди.

Президент топшириқларига мувофиқ, бу ердаги барча ишлар дунё андазаларига

ЭНЕРГЕТИКА ВА УКХ



ри даражасида, экология талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда юритилади.

Давлат раҳбари энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги тизимини соғломлаштириш йўналишига алоҳида эътибор қаратади. Бу соҳадаги ишлар – шунчаки оддий лойиҳалар эмас, балки тизимли янгиланиш сиёсати ҳисобланади.

Президент таъкидлаганидек, “Энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги ҳар қандай давлатнинг ҳаёти учун зарур соҳа ҳисобланади”. Ислохотлар бошлангунга қадар қатор минтақаларда қувват манбалари ва иссиқлик тармоқларининг эскириш кўрсаткичи 70 фоизга етса, базиларда 80 фоиздан ошиб кетган. Энергетика иншоотларида юз берган йирик авариялар оқибатида қаҳратон қишда баъзи шаҳарлардаги уйлар иссиқликсиз қолган мураккаб вазият унутилмаган бўлса керак.

Бугунги кундаги тарифларни эркинлаштириш ва сармоя жалб қилиш сиёсати аввалдагилардек “эскини ямаб, яширишдан” кўра, соҳани сифатли даражада янгилаш имконини берди.

Қарағанди, Ўскемен, Жезқазған, Екибастуз, Балхаш шаҳарларида “Иссиқлик электр маркази”ни янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Алмати, Темиртау, Риддерда иссиқлик қувватлари янгиланмоқда, бундан ташқари, Ақтау, Атирау, Ўрал, Тараз, Екибастуз (ГРЭС-2) шаҳарларида станцияларнинг қувватларини кенгайтириш ишлари давом этирилмоқда. Шунингдек, Ақтўбе, Атирау, Ўскемен, Кўкшетау, Қизилўрда, Семей, Тараз, Туркистон, Екибастуз (ГРЭС-2) шаҳарларида бу йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Икки йил давомида иссиқлик мавсуми барқарор ўтмоқда.

Президент энергетик барқарорликни миллий хавфсизлик масаласи сифатида таъкидлади. Унинг фикрича, бу борадаги қарорлар анча аввал қабул қилиниши керак эди. Бугун мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш режали равишда оширилмоқда. Масалан, у 2019 йилда 106 миллиард кВт/соат бўлган кўрсаткич 2025 йили 123,1 миллиард кВт/соатга етди. Таққослаб айтганда, етти йилда ишга туширилган манбаларнинг умумий ҳажми Алмати шаҳри ва Алмати вилоятининг бир ярим йил илтиёмол қиладиган электр энергиясига тенг.

Умуман олганда, 2027 йилнинг биринчи чорагининг охирига бориб Қозоғистон электр энергияси тақчил давлатлар сафидан чиқиб, ортқ электр энергиясини қўшни мамлакатларга сотиш имкониятига эга бўлади.

Шу билан бирга Алматыдаги ИЭМ-2 ва ИЭМ-3 (Иссиқлик электр марказлари)ни табиий газга ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу икки ИЭМни тўлиқ газга ўтказиш шу йилнинг охиригача аяқланади. Бир неча эс миллиард тенгелик лойиҳалар шаҳар экологиясини сезиларли даражада яхшилайди.

Узоқ муддатли энергетик мувозабатни шакллантириш мақсадида атом энергетикасини ривожлантириш муҳим қарор бўлди.

АЭС ҚУРИЛИШИ ЭЛЕКТР ҚУВАТИГА ТАЛАБ ОРТГАН БУГУНГИ КУНДА ЗАРАРЛИ ЧИҚИНДИЛАРНИНГ ҲАВОГА ТАРҚАЛИШИНИ КАМАЙТИРИБ, ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ РАНГ-БАРАНГЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Лойиҳа, шунингдек, келажакдаги технологик тараққиётнинг, sanoatни маҳаллийлаштиришнинг ва муҳандис кадрлар тайёрлашнинг мустаҳкам асоси бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЪЛОН ҚИЛГАН “ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН” ТИШАБУСИ УМУММИЛЛИЙ ҲОЯГА АЙЛАНДИ.

Бутун мамлакат бўйича миллионлаб одамлар экологик тadbирларда фаол иштирок этиб, табиатни чиқиндилардан тозалаш, кўкаламзорлаштириш, тиклаш жараёнларида қатнашмоқда. Юзлаб минг тонна чиқинди тўпланиб, миллионлаб даракт кўчатлари ўтказилди. Натижада экологик маданият шаклланиб, тозалик ва тартиб кундалик ҳаёт меъёрига айланмоқда.

Президент “Ҳар ким ўзидан бошлаши керак” тамойилига амал қилиб, шахсий намуна кўрсатмоқда. Давлат раҳбари атроф-муҳитнигина эмас, балки, одам онгининг тозаллигига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Ушбу ташаббус кенг омма, айниқса, ёшлар томонидан қўллаб-

қувватланиб, умуммиллий ҳаракатга айланди.

Экологик кун тартибида Давлат раҳбари сув хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Президент топшириғига кўра, ҳозир 20та янги сув омборини қуриш, камида 15 минг чакирим канални таъмирлаш дастури амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги катта сув ҳавзалари – Каспий ва Орол денгизлари масаласи ҳам доимий диққат марказида. Юртимизда мазкур сув юзасига оид муҳим масалаларни чуқур таҳлил қилиш учун Каспий денгизининг Қозоқ илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

Бу ташаббуслар экологик хавфсизликни таъминлаш ва табиатдан барқарор фойдаланишнинг яхлит тизимини шакллантиришга қаратилган.

Дунё миқёсида сув захиралари масалаларидан бири – музликларни сақлаб қолиш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Таҳлилчиларнинг баҳоратига кўра, 2100 йилга бориб Марказий Осиёдаги музликлар ҳажми сезиларли даражада кичрайдди. Президент ушбу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Қасим-Жўмарт Тўқаев халқаро даражада “Сув минораси ҳамкорлиги” ташкил қилиш ташаббусини кўтарди, унинг мақсади – музликларни тадқиқот қилиш ва муҳофаза қилиш учун дунёдаги барча тадқиқот марказларининг тажрибаси асосида музликшунослик фанини қўллаб-қувватлашни бир тизимга келтириш.

ИЖТИМОЙ СИЁСАТДА ҲАМ ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

2025 йилда республика бюджети харажатларининг 36,5 фоизи, яъни 9,3 триллион тенге ижтимоий мақсадларга йўналтирилди.

Шу билан бирга, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими ҳам такомиллаштирилмоқда. Ёрдам мақсади, адолатли ва самарали қўллаб-қувватлаш дастағига айланди. Рақамли технологиялар оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжи аниқ баҳоланиб, самарасиз харажатлар қисқартрилмоқда ва маблағлар муҳим йўналишларга қайта тақсимланмоқда.

Сўнгги йиллар инсон капиталига сармоялар сезиларли даражада ошди. Таълим ва фанга жалб этилган сармоя беш баравар ошди, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга сарфланган даражада ҳам ортмоқда. Муҳим кўрсаткичлардан бири – узоқ умр кўриш кўрсаткичи 76 ёшга етди. У 2019 йилда 73 йил бўлган.

Ёш авлодни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам устувор йўналишидир. “Миллий жамағарма – болаларга” дастури – Президентнинг муҳим ташаббусларидан бири бўлиб, келажак авлоднинг фаровонлиги ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Дастур доирасида қозоғистонлик болаларнинг ҳисоб-рақамига Миллий жамағармининг сармоявий даромадидан йил сайин маблағ ажратилиб бормоқда, ундан ҳар бир бола 18 ёшга тўлгандан сўнг таълим олишга ёки бошпана шароитини яхшилаш мақсадида фойдалана олади. Дастур амалга оширилган уч йил ичида мамлакатимиздаги етти миллион боланинг ҳисоб-рақамига 2,5 млрд. доллардан зиёд маблағ ўтказилди.

Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, 2026-2030 йилларга мўлжалланган “Қозоғистон болалари” ягона дастури тасдиқланди, у Қозоғистондаги болаларнинг ҳуқуқлари ва фаровонлигини таъминлаш бўйича барча амалдаги ва режаланган чора-тadbирларни бirlаштиради.

Мақта инфратузилмаси муаммоларини бартараф этиш ҳам устувор вазифалардан бири. Шу мақсадда, кейинги етти йилда 1300дан зиёд янги мактаб қурилди, хароба ҳолатидаги ва уч сменда ўқитиладиган таълим масканларининг сони камайиб, моддий-техника базаси янгиланди. Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган “Келажак мактаблари” миллий лойиҳаси доирасида 2023-2025 йилларда мамлакатимиз бўйлаб энг юқори халқаро андазаларга мос 217та мактаб барпо этилди.

“TALIS-2024” илмий тадқиқот ташкилотининг халқаро таҳлилларига кўра, Қозоғистон ўқитувчиларининг ойлик маошидан қониқиш даражаси бўйича дунё давлатлари орасида кучли бешликка кирди. Агар 2018 йили бу кўрсат-

кич 39 фоиз бўлган бўлса, 2024 йили 71 фоизга етди. Бугун мамлакатимизда педагогларнинг 95 фоизи ўз ишидан мамнун эканлигини билдиришган.

Мақтабгача таълим муассасалари кўпайиб, 12 мингтага етди. Тиббиёт муассасалари сони 830тага кўпайиб, 83 мингтадан ошди. Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг баҳоларига кўра, Қозоғистон она ўлими кўрсаткичларини камайитириш бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторига кириди.

Президент ташаббуси бўйича 2021 йили “Ансаган саби” дастури ишга туширилди, унинг доирасида йил сайин экстракорпорал уруғлантиришга 7 минг квота ажратилди, бугунги кунда ушбу дастурдан 28 минг нафар аёл фойдаланди. Дастур ишга туширилгандан бўён 11 минг чақалоқ дунёга келди.

Фан ва олий таълимни ривожлантириш Президент томонидан технологик ва иқтисодий тараққиётнинг стратегик асоси сифатида кўрилмоқда. Мамлакатимизда тадқиқот университетлари ва илмий марказларни қўллаб-қувватлаш тadbирлари кучайтирилиб, илмий-тадқиқот ишларига мўлжалланган грантлар сони ортиб бормоқда.

Қозоғистонда етакчи хорижий университетларнинг филиаллари ва вакилликлари очилиб, ҳамкорликдаги

САРМОЯ ЖАЛБ ҚИЛИШ СУРЪАТИ

АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН САРМОЯЛАР:



талабалар шаҳарчалари ва таълим дастурлари ташкил этилмоқда, бу хорижий давлатларга илм излаб кетувчилар сонини камайитириди.

Давлат раҳбари олдимишга фани саноят билан уйғунлаштириш вазифасини қўйди. Улар орасида университетлар қосида илмий парқлар ва инновацион экотизимлар ташкил этишга оид ташаббуслар ҳам бор.

ШУНИНГДЕК, ОММАВИЙ СПОРТ ВА ОММАБОП СПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАТИРИШ – ПРЕЗИДЕНТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ САФИДА.

Ҳудудларда юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, мавжудлари янгиланди, минглаб мактаб ва ҳовлилардаги майдончалар фойдаланишга топширилди. Натижада, фуқароларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиш даражаси 45 фоизга етди.

Янги ижтимоий ва инфратузилмавий иншоотларнинг бир қисми қайтарилган активлар ҳисобидан молиялаштирилганлигини алоҳида таъкидлаш муҳим. Бу, ўз навбатида, бюджетга юк бўлмай, долзарб муаммоларни тезкор ҳал этиш имконини бермоқда.

Масалан, соғлиқни сақлаш соҳасида 183та муассаса қайтарилган маблағ ҳисобидан қурилди, бу “Қишлоқда соғлиқни сақлаш соҳасини янгилаш миллий лойиҳаси” ижросини жадаллаштирди.

Мамлакат иқтисодиётига қайтарилган маблағ ҳисобидан 227та сув таъминоти иншооти таъмирланди. Шунингдек, мактаб, спорт иншоотлари қурилишига, коммунал инфратузилмага ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳам ушбу маблағлар сарфланмоқда. Чунончи, ўтган йилда фойдаланишга топширилган Kokshe Arena кўп тармоқли спорт мажмуаси, Ақмўла вилоятининг Зеренди овулида қурилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Петропавлдаги болалар боғчаси, Туркистон вилоятидаги мусика мактабини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундай иншоотлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, активларни қайтариш сиёсати фақат қонун доирасида амалга оширилади ва у чинданам иш юритаётган тadbиркорларга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА ҲАМ МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

Бюджет ва солиқ сиёсати такомиллаштирилмоқда, ўрта муддатли режалаш дастаклари кучайтирилди, давлат дастурларининг самарадорлигини баҳолаш восталари тadbир этилди.

Солиқ ислоҳоти – вақтида қабул қилинган қарор бўлди. У йигилиб қолган муаммоларга ечим топишга йўл очди. Солиқ ислоҳоти адолатли тизимни шакллантиришга, бизнесни сунъий равишда парчалаш имкониятларини камайитириш ва адолатли рақобатбардошлик муҳитини яратишга қаратилган.

Давлат раҳбари топшириғига мувофиқ, солиқ хизмати босқичма-босқич

сервис шаклига ўтмоқда:солиқ хизматларини рақамлаштириш, таваққалларнинг олдини олган ҳолда назорат қилиш ва ҳисобот бериш автоматлаштирилмоқда. Бу ҳалол солиқ тўловчилар учун юкни камайтиради.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасида Қасим-Жўмарт Тўқаев илгари сурган “Қонун ва Тартиб” тамойили устувор аҳамият касб этмоқда. Мазкур ёндашув жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда ҳамда Адолатли Қозоғистон барпо этишнинг асосий талаби ҳисобланади.

Фуқаролар, жамият ва давлат ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш – асосий устуворлик. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини янгилаш, унинг шаффофлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, илгор рақамли қарорлар тadbир этилмоқда, сервис полиция амалиёти ривожланиб, кадрлар салоҳияти кучайтирилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТОПШИРИҒИГА МУВОФИҚ, МАМЛАКАТДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ РАҚАМЛИ ЯНГИЛАНИШ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА.

2019 йилдан бошлаб Қозоғистон хизматларни рақамлаштиришни йўлга қўй-



ди. Бу жараёнда давлат идоралари ва хусусий сервислар ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган, рақамли бизнес ва молиявий-техник қарорлар учун шаффоф муҳит яратадиган “Smart Bridge” интеграциявий дастур муҳим ўрин тутмоқда.

Рақамлаштиришнинг иқтисодий самараси бюджет харажатларини тежаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларининг манзиллигини ошириш орқали яққол намоён бўлмоқда. Бу борада Қозоғистон 193 давлат орасида 24-ўринда ва онлайн-хизматлар даражаси бўйича дунёдаги кучли ўнликдан жой олди.

Бундан ташқари, Президент ташаббуси билан “Alem.ai” халқаро сунъий идор маркази ташкил этилди, у ҳозирнинг ўзида таҳлилчилар, лойиҳа муаллифлари ва ташаббускорларни жалб қилиш майдонига айланди.

Давлат раҳбари 2026 йили Рақамлаштириш ва сунъий идор йили, деб эълон қилди. Ҳукумат иқтисодиёт ва давлат бошқарувининг барча соҳаларида илгор технологиялар ҳамда сунъий идорни тadbир этишга йўналтирилган “Digital Qazaqstan” дастурини тайёрламоқда.

ҚАСИМ-ЖўМАРТ ТўҚАЕВ ДАВЛАТ РАҲБАРИ БўЛГАН ЕТТИ ЙИЛ ИҚНИҚ-РОЗЛАРГА ҚАРШИ ТЕЗКОР ҲАРАКАТ ҚИЛИШ БОСҚИЧИДА ТИЗИМЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВРИ БўЛДИ: ИҚТИСОДИЁТ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА РАНГ-БАРАНГЛАШТИРИЛДИ, сармоялар қўзланган дара

»» 15 март – умумхалқ референдуми

ЯГОНА ЭЛ, ЯГОНА ХАЛҚ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!

15 март куни ҚР халқ-и янги Конституцияни қабул қилиш мақсадида референдумда иштирок этади.



Бир палатали Парламент, Халқ кенгаши, Ҳукумат фаолияти, суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасининг янги ташкилоти шакллари, конституциявий дастаклари-ни ўзида жо этган ушбу ҳуж-жат келажақда инсон форо-вонлиги ва жамиятнинг бар-қарор равнақи учун хизмат қилади, деган умиддамиз. Янги таҳрирдаги Конституция билан аҳоли ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали танишиши, кенг жамоатчилик вакилла-ри, сиёсий партиялар аъзолари юритган тарғибот тадбирла-рида бевосита иштирок ҳам этишди. Қолаверса, вилоятдаги этномаданият бирлашмалари Қозоғистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳасини қўллаб-қувватлашини маъ-лум қилиб, ушбу ташаббус, аввало, миллатлараро тотувли-ни тараққий эттириш ҳамда этномаданий хилма-хилликни сақлашга йўналтирилганини алоҳида таъкидлашди. Бир-лашмалар вакилларининг фикрича, Асосий Қонунга кири-тилган ўзгаришлар фуқароларнинг ҳуқуқий тенглигини аниқ белгилаб, қарор қабул қилиш жараёнларида иштирокини кенгроқ таъминлайди ва давлат ҳамда жамият ўртасидаги ўзаро масъулият қоидаларини кучайтиради.

Муҳтасар қилиб айтганда, Конституция лойиҳаси халқ этиборига ҳавола этилди. 15 мартда референдум ўтади. Бу ягона эл сифатида мамлакатнинг порлоқ келажагини ҳам-корликда барпо этишга қаҳриқдир.

Шу боис, референдумда фаол иштирок этайлик.

Бўлат ЖАНАБИЛ,
Туркистон вилоят Ижтимоий тараққиёт
бошқармаси раҳбари вазифасини бажарувчи.

«АУЫЛ» ПАРТИЯСИНING ТУРКИСТОНДАГИ УЧРАШУВИ



Туркистон шаҳрида «Ауыл» партияси вилоят фи-лиали раиси Тўрегелди Қалмуратов иштирокида кон-ституциявий ислохотларни аҳолига кенг тушунтириш мақсадида учрашув ўтказилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – янги Конституция лойи-ҳасининг асосий йўналишлари ҳақида маълумот бериш, шунингдек, минтақа аҳолисининг бўлажак референдум ҳақи-даги фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини умумлаштириш.

Учрашувда «Ауыл» партияси Марказий девони раҳбари ўринбосари Нурхат Урашининг конституциявий ислохотларга бағишланган маърузаси тингланди.

– Конституциявий ислохотлар – жамият ва давлат тарақ-қиётга янги туртки берадиган муҳим жараён. Улар фу-қароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, сиёсий тизимнинг шаффофлиги ва самарадорлигини оши-ришга қаратилган, – деди у.

ҚР Парламенти Мажлисидаги «Ауыл» партияси фракция-си девони раҳбари Жазира Султанқулова янги Конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлашини, уни сиёсий ва ижтимоий йўналишдаги энг муҳим жараён деб билишини таъкидлади.

«Жанубий Қозоғистон» муҳбири.

БИЛИМЛИ АВЛОД – ЁРҚИН КЕЛАЖАК

15 март куни Қозоғистон тарихида муҳим сиёсий жараён – Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бў-йича умумхалқ референдуми ўтади. Бу сана давлатим-из келажагига дахлдор ҳар бир фуқаро учун юксак масъулият ва онгли танлов давридир. 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро референдумда иштирок этиш ҳуқуқи-га эга.

Сайрам тумани Ақсу қишлоғидаги М. Ауезов номли умумий ўрта таълим мактабида ҳам ушбу мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда сўз олган ўқитувчилар тақлиф эти-лаётган конституциявий ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувват-лашини маълум қилдилар.

Ўқитувчи сифатида асосий вазифамиз – онгли, билимли, юрт келажагига масъулиятли авлодни тарбиялашдир. Консти-туциядаги ижобий ўзгаришлар болаларнинг сифатли таълим олиши, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва ижтимоий ша-роитларнинг яхшилланишига хизмат қилади.

Юртимизнинг асосий бойлиги – инсон, миллат келажаги эса – билимли авлоддир. Қозоғистон Республикасининг Кон-ституцияси ана шу тамойилни қатъий қўллаб-қувватлайди. Бу – давлатимиз ҳар бир болага тенг имконият яратиш, унинг сиф-фатли таълим олиши ва баркамол шахс сифатида камол то-пиши учун шароит яратиш бераётганининг ёрқин ифодасидир. Ҳар бир фуқарони референдумда фаол қатнашишга қақи-рамиз!

Шоҳиста АНОРМЕТОВА,
М. Ауезов номли умумий ўрта таълим
мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

Вилоят марказининг Бирлик шўъбаси ҳудудида Туркистон шаҳ-ри, Саврон тумани ҳамда вилоят УЭМБ фаолларининг бош қўшувида умумхалқ референдумига тайёр-гарлик ҳамда иштирок этиш ҳақида гап борди.

60 ва 86 ёш оралиғидаги ҳаётий тажрибаси мўл отахонлар «Жанубий Қозоғистон» нашрининг фаол обу-начилари сифатида Бош Қомусимиз лойиҳаси билан газета орқали ўқиб танишганликларини таъкидлаб, барча ҳамюртларимизни шу сиёсий тадбир-га тўлиқ қатнашишга даъват этишди. Хусусан, мазкур ҳужжатнинг 9-мод-дасида «Давлат Қозоғистон ягона халқи тилларини ўрганиш ва ривож-лантириш учун шароит яратади», деб таъкидланганлиги Қозоғистонда сон жиҳатидан учинчи ўринни эгалловчи ўзбек этноси тили ҳам эътиборда экан-лиги дилни қувонтиради.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: учрашувдан лавҳа.

Муаллиф суратга олган.

»» Инсон ўзинг

Шаҳримиз сўнгги йилларда тобо-ра обод ва кўркем қиёфа касб этмоқ-да. Хиббонлар, истироҳат боғлари шаҳар инфратузилмасини янада такомиллаштирмоқда.

Махсус ўйин майдончалари барча ёшдагиларга мўлжалланган: болалар ўйнаши, катта ёшдагилар эса жисмоний машғулотларини бажариши мумкин. То-заликни сақлаш, дарахтларни парвариш-лаб, шаҳар кўркига кўрк қўшишда кўпги-на ҳамюртларимизнинг меҳнатлари му-жассам. Мана шундай инсонлардан бири – собиқ педагог, бугунги кунда шаҳар тозалигини таъминлашга ҳисса қўшаёт-ган Ширайгул Алимқизидир. У билан Ж. Ташенев кўчаси бўйида учрашдим. Ўз ва-зифасини сизидилдан бажараётган бу аёлнинг меҳнати туфайли кўчаларимиз янада саришта ва тартибли қиёфа касб этмоқда.

Суҳбат аввалида уни хотин-қизлар ку-ни муносабати билан табрикладим. Фи-дойлиги учун миннатдорлик билдирдим.

– Шукрона кунингиз, келаётган Хо-тин-қизлар куни билан табриклайман, шаҳримизнинг саришта онахонлари-сизлар. Сизлар бор экансиз, тозалик ва гўзалликдан дилимиз яйрайди. Шимкент-нинг кўм-кўк шаҳар мақомини қайтариб бераписизлар. Келинг, сиз билан суҳбат-лашайлик, ҳаёт йўлигинизни газетамиз саҳифасида ёритайлик. Хотин-қизлар байрами арафида сиз ҳақингизда мақола ёзсам, – деб илтимос қилдим.

– Мени танийдиганлар кўриб қолиши-дан, «буни қилиб юрган ишини қаранглар, нимасига яна газетада чиқиб ўтирибди», деб менга айтиб қолишса хижолат бўла-ман, ҳозир кимни қарама Тiк Ток ижтимоий тармоғида ҳар қанақасига чиқиб, машхур бўлиб кетяпти, – деб опа дастав-вал суҳбатга рўйхушлик бермади.

Газетамизнинг жиддий нашр эканли-гини, ниятнинг хайрли эканлигини айтиб, фақат иш пайтида тасвирга олиш шарти билан опани суҳбатга кўндирдим.

– Исим Ширайгул Алимқизи, – деб бошлади суҳбатни опа. – Қозоғистонда жуда кам учрайдиган исм. Яъни Чирой-гулман. Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоя-тиданман, Гулистон шаҳрида туғилган-ман, мактабни ўша ёқда тамомлаганман.

БАРЧАМИЗ ВА ҲАР БИРИМИЗNING ФАОЛ ИШТИРОКИМИЗ ЗАРУР



МЕҲНАТИДАН ШАРАФ ТОПГАН АЁЛ



Тошкент Педагогика институтини тамом-лаганман. Кимё-биология фани муалли-масиман. Умр йўлдошим исми –Тенгиз, автомобилларни таъмирлайди. У би-лан оила қурганимиздан кейин Тошкент вилоятига қарашли Оқтепа манзилидаги мактабга ишга кирдим. Юқори синф ўқув-чиларига кимё, биологиядан 23 йил са-боқ бердим. Ўқувчиларимнинг кўпчилиги катта ишларда ишлаётганлигидан қувона-ман, уларнинг истиқболли келажагига йўлланма беришда менинг ҳам хизматим борлигидан мамнунман. Уч фарзанднинг онасиман. Тўнғич қизим Ўзбекистондаги Педагогика коллежини тамомлади. Анъ-аналаримизга кўра, у асосан, бувисининг кўлида вояга етди. 20 йил муқаддам фарзандларимизга илм бериш, олий маълумотли қилиш мақсадида Қозоғис-тонга кўчиб келгандик. Бошлана курдик, фарзандларимизни ўқитдик. Иккинчи қизим Қарағандидаги Тиббиёт универ-ситетини грант асосида муваффақиятли тамомлади. Ота-она сифатида фарзанд-ларимизнинг орзуларини қўллаб-қувват-ладик, айна пайтда хусусий клиникада

шифокор бўлиб ишлайди. Ўғлим эса, даставвал, «Авиценна» тиббиёт коллежи-ни тамомлаб, вилоят болалар касалхо-насининг жонлантириш бўлимида тиббий ходим сифатида фаолият юритди. Уч йил исланиб, тажриба олгандан сўнг Астана тиббиёт университетига грант асосида ўқишга кирди. 7 йил Астана шаҳрида таҳсил олди. Жорий йили ўғлим Шимкент Тиббиёт Академиясида резидентура йўналишида таҳсил оляпти. Бу ерга мак-табга ишга жойлашишга ҳаракат қилиб кўрдим. Малака оширишим, кўшимча ўқушимга тўғри келганлиги боис, умуман йўналишимни ўзгартирдим. Мен таҳсил олгандан кўра, фарзандларим ўқисин, деб, келажакка урғу бердим ва шаҳар тозалиги учун масъул компанияга ишга кирдим. Ҳозир 58 ёшдаман. Фарзандла-рим орзу қилган касб эгалари. Уларнинг кўшимча дарслари, умуман тиббиёт соҳасида таҳсил олишлари учун бор куч-ғайратимни, маблағимни сарфладим. Шукр, улар исланишда давом этишяпти.

– Шунча йил муаллимлик қилибсиз. Мана, энди Шимкент кўчалари чиройини очиб, саришталик қилиб, мамлакатимиз-га қарийб 10 йилни фақат диплом олиш учун сарфлаган, қолган умрини яна ўқиш ва исланишда ўтказадиган шифокорлар-ни етказиб берибсиз. Ота юртингизнинг зиёлилари сафини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшибсизлар, – дедиму опани эс-далик учун иш пайтида тасвирга олдим.

Опа собиқ ўқитувчи сифатида жа-миятга билим ва тарбия берган бўлса, бугунги кунда ҳам ҳалол меҳнати билдан шаҳримиз поклигига ҳисса қўшиб кел-моқда. Аёлнинг сабр-тоқати, машаққатли меҳнати ва ҳаётга бўлган масъулияти самараси туфайли ҳам фарзандлар жа-миятда ўз ўрнини топишди. Шубҳасиз, инсон қайси касбнинг бошини тутишидан қатъийназар, унинг ҳақиқий қадри меҳна-ти, ахлоқи ва жамиятга қўшган ҳиссаси билан белгиланади.

Мунира ЖАМОЛИДДИН ҚИЗИ.

»» Рақамли дунё

Сунъий идрок (матн давомиди СИ) – бу компьютер ва дастурларни инсонга хос фикрлашни, ўргатиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қи-лиш қобилиятига эга технология ва фан соҳасидир. Оддий қилиб айтганда, сунъий идрок – бу маши-наларни «ақлли» дастакка айланти-риш жараёнидир.

СИ куйидаги қобилиятларни ўз ичига олади: маълумотларни таҳлил қилиш, му-шоҳада юритиш, муаммоларнинг ечимини топиш, инсон тилини тушуниш. Бугунги кунда СИ овозли ёрдамчилар, таржима дастурлари, тиббиёт ташхиси ва автоном



СУНЪИЙ ИДРОК ТУШУНЧАСИ ВА ТАРИХИ

транспорт тизимларида қўлланилмоқда. Сунъий идрок гоёси компьютерлар пайдо бўлган даврда шакллана бошлади. 1950 йилда инглиз олими Alan Turing «Ма-шиналар уйлай оладими?», деган саволни илгари сурди. У тақлиф қилган Тьюринг тести машинанинг инсон каби мулоқот қила олиш қобилиятини текшириш усули эди.

1956 йилда АҚШдаги «Dartmouth College»да илмий анжуман бўлиб ўтди. Шу ерда «Artificial Intelligence» атамаси илк бор

ишлатилди. Бу атамани америкалик олим John McCarthy тақлиф қилган. Бу давр сунъий идрок фанининг расман бошлани-ши ҳисобланади.

1970-1980 йилларда олимплар катта на-тижалар кутишган, лекин компьютерлар қуввати етарли эмас эди. Кўп лойиҳалар муваффақиятсиз тугади. Шу сабабли молиялаштириш камайди ва бу давр «СИ қиши» деб атала бошланди.

Компьютер технологиялари 1990-2000 йилларда тез ривожлана бошлади. 1997 йилда IBM компаниясининг Deep Blue суперкомпьютери шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни мағлуб этди. Бу сунъий идрок тарихида муҳим воқеа бўлди.

2010 йилдан бошлаб, чуқур ўқитиш (Deep Learning) ва нейрон тармоқлар жадал ривожланди. 2016 йилда Google DeepMind яратган AlphaGo дастури жаҳон чемпиони мағлуб этди.

Бугунги кунда OpenAI каби ташкилот-лар инсон тилини тушунадиган ва матн ярата оладиган замонавий СИ моделла-рини ишлаб чиқмоқда.

Интернет маълумотлари асосида
124-сонли мактабнинг
информатика ўқитувчиси
Гўзал АЗИМБОВЕВА тайёрлади.
Шимкент шаҳри.

**Меҳр-муҳаббат
байрами муборак!**

Мана шу нурафшон кунларда сиз, азизларни, юртимиз она-хонлари ва барча опа-сингилларимизни 8-Март байрами билан қизгин табриклар, самимий туйғу ва тилакларимни ихроқ этаётганимдан бахтиёрман.

Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган оҳангларидан оламиз. Қалбимизда неки олижаноб туйғулар бўлса, уларнинг барчаси, аввало, оналаримиз туфайлидир.

Тилакларимни қадрдон диёримизда яшаётган гўзал ва меҳрибон аёлларга, деб юртимиз ўғлонларининг самимий, эзгу тилағи сифатида, аёл зотида бўлган хурмат-эҳтиром маъносидан қабул қилинг.



Абдулла ИСМАТУЛЛАЕВ,
Қозоғистон
ўзбеклари
“Дўстлик”
ҳамжамияти раиси.

**Сиз дорсиз,
олам мунаввар**

Аёлларни улуглайдиган инсонлар – ҳаётни ҳам улуглайдилар. Хурматли онахонлар ва опа-сингиллар, сизларни улуг айём – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман. Баҳорнинг илк дамлари ушбу қутлуг байрам билан бошланишининг ўзи илқлик, фусункорлик, гўзаллик ва муҳаббатдан нишондир. Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга қут-барақа, ишларингизда омад тилайман.

Дунёда буюк ва муқаддас, деган сўзга энг муносиб зот ҳам Онадир. Шу боис, токи ҳаёт бор экан, инсон муътабар Она сиймоси олдида доимо бош эгиб, таъзим қилади. Азиз опа-сингиллар! Байрамингиз муборак бўлсин!



Икромжон ҲОШИМЖОНОВ,
ҚР ўзбеклари
ЭМБнинг “Дўстлик”
ҳамжамиятининг
фахрий раиси.

**Тинчликқа етадиган
неъмат йўқ!**

Бугунги тинч ва осуда ҳаёт кечираётган юртимизда ушбу қутлуг айёмни нишонлашнинг ўзи катта неъматдир. Тинчлик, хотиржамлик ва барқарорлик бор жойда байрамнинг мазмуни янада теран бўлади. Шу маънода 8 Мартни ҳам тинчлик ва фаровонлик шарофати деб қабул қиламиз.

Хотин-қизларимизнинг қалбларида тозалик, муҳаббат мавжуд. Гўзал хулқи, яхши ниятлари, сабр-тоқати ва меҳнатқашлиги билан фарзандлар, оиласини тарбияламоқда, хонадонни обод этмоқда. Ҳаётда ўқиш, ўрганиш, орзулари сари интилиш ва имкониятларини ишга солишдан ҳеч чарчамасинлар. Касб танлашда, оила қуришда ҳеч адашмасин. Мақсад ва савий-ҳаракатлари доим юксак бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-фаровонлик, ишларингизга омад ва барқарорлик тилайман.



Фароғат ҲОЖИМЕТОВА,
Шимкент шаҳар
ЎЭМБ ҳузуридаги
Оналар кенгаши раисаси.

Тадбирқилишимиз!

Онажонимиз Хонзода Сафаровани 8 Март – Хотин-қизлар байрами ила муштарак келаётган таваллуд айёмлари, 90 ёшлари ила муборакбод этиб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Фарзандлари неваралар ардоғида узоқ йиллар умргузаронлик қилаверишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.



Волидам сиз меннинг меҳрибонимсиз, Танимда жонимда куч-қувватимсиз. Дунёга алишман, сиздир жаннатим, Бўлмасангиз она, синар қанотим.

Бу кун тўлибсиз тўксон ёшларга, Яхшилик қилдингиз неча бошларга. Сиз мени қувончим тахтимсиз она, Бермайман ҳеч кимга, қалам қошларга.

Хурмат ва эҳтиром ила қизи Керима САФАРОВА.

»» Муштарийимиз дил каломи

Аёл уйнинг чироғи

Фаол ва ташаббускор жамоатнинг муҳожири Гулбаҳор Абу-бакирова (тасвирда) 1985 йили 5 март куни таваллуд топган.

Ўрта мактабдан сўнг Эски Иқон қишлоғидаги Муталлиб Йўлдошев асос солган ҳунар-техника коллежидан таҳсил олди. Олий билим олиш иштиёқида Шимкентдаги М. Аюезов номли университетда 4 йил ўқиди.

Меҳнат фаолиятини болалар боғчасида мураббийликдан бошлаган Гулбаҳор ёш авлод тарбияси, камолотига ҳисса қўшишдек масъулиятли вазифани адо этди. Жамоада хурмат қозонди. Айни пайтда Эски Иқондаги маданият уйида услубиятчи лавозимида меҳнат қилмоқда. Турли оммавий маданий-маърифий тадбирларни юксак савияда ташкил этишга камарбаста.

Ҳамқишлоқларининг тўй-тантаналарида давраларни маҳорат ила бошқаради. Келин салом каби муқаддас кўшиқларимизни маромига етказиб, юксак савияда ижро этганлиги билан кўпчилик хурматида сазовор бўлган. Халқимизнинг теран тарихи, маданияти, назм ва мусиқа уйғунлигининг тарбиявий аҳамияти мўл. Мен учун ҳаётда ибрат, ўрнатилган қадрдон олам, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол муштарийси Гулбаҳор Султонхон қизини таваллуд кунини ҳамда кўкларнинг кўркам байрами ила самимий муборакбод этаман. Умр йўлдоши Элбек Абубакиров билан муштарак ҳаётлари давомида тарбиялаган Севинч, Салимбек, Озодбек, Зийедбек исмли қобил фарзандлар камолини кўриб, бахтли ҳаёт кечиршини тилайман.

Зинаида АҲМЕДОВА.

**Элга хизмат – олий ҳиммат**

Ҳаёт йўли меҳнат, масъулият ва фидойилик билан йўғрилган инсонлар жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар. Ана шундай юксак фазилатлар соҳибаси – Сайрам туманида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, ташкилотчилик қобилияти, ҳақиқатпарварлиги ва меҳнатсеварлиги билан элга танилган Тамара ҲАКИМОВАдир.

У 1957 йил 22 февралда Сайрам туманининг Қорабўлоқ қишлоғида зиёлилар оиласида дунёга келди. Ўрта маълумотни Оқсувент қишлоғидаги Горький номли мактабда олди. Ёшлиқдан илгива ва жамоат ишларига қизиққан Тамара Абдулҳабиб қизи дастлаб Шимкент шаҳридаги савдо техникумида, сўнгра Қарағанди савдо институтининг Алмати шаҳридаги бўлимида таҳсил олди.

У меҳнат фаолиятини Сайрам туман матлубот жамиятида ҳисобчи ёрдамчиси сифатида бошлаб, сўнг бухгалтер-ҳисобчи, кадрлар бўйича йўриқчи лавозимларида фаолият юритди.

Тамара Ҳақимова ёшлиқдан жамоат ишларида фаол иштирок этди. Комсомол ва партия ташкилотларида масъул лавозимларида самарали хизмат қилди. Жумладан, 1978 йили Сайрам туман матлубот жамияти комсомол ташкилоти котибаси этиб сайланди. 1981 йили Шимкент вилоят комсомол кўмитасининг ишчи ёшлар бўлими бошқарувчиси ўринбосари, 1983 йили Сайрам туман комсомол

кўмитасига аввал иккинчи, сўнг биринчи котиба этиб сайланди.

1985 йили Тамара Абдулҳабиб қизи Сайрам туман партия кўмитасининг мафкура бўйича котибаси этиб сайланди. 1986-1988 йилларда Алмати шаҳридаги Олий партия мактабидан таҳсил олган, Сайрам туман комфирқасининг иккинчи котибаси этиб сайланди.

1991 йилги мамлакатдаги сиёсий ўзгаришлар туфайли партия тизими бекор қилинган, у халқ депутатлари Сайрам туман кенгашининг ижроия котибаси вазифасини бажарди. 1992 йили мазкур тизим фаолияти тугатилган, Сайрам туман матлубот жамиятининг Оқсувент бўлимидаги “Қорасув” шохобчасида директор муовини вазифасида хизмат қилди.

Тамара Ҳақимова 1994 йилдан Сайрам туман ҳоқимлигининг молия бўлимида катта иқтисодчи, 1997 йилдан 2017 йилгача, яъни нафақага чиққунга қадар, молия бўлими газначилик нозири ҳамда молия бўлими ўринбосари вазифаларида ишлади. Шунингдек, 2010-2013

йилларда Сайрам туман қурилиш бўлими бош мутахассиси вазифасини ҳам бажарди.

– Давлат хизматчиси сифатида шаклланишимда ўша вақтда турли масъул лавозимларда хизмат қилган кўплаб раҳбарларнинг ҳиссаси катта бўлган, – дейди Т. Ҳақимова. – Жумладан, давлат ва жамоат арбоблари В. Еремеева, Т. Саидмуродов, М. Бабин, И. Иманалиев, З. Убайдуллаев, Р. Ахмедова, З. Эрназаров, шунингдек, ишлаб чиқариш ва ҳўжалик раҳбарлари В. Панов, Н. Йўлдошев, А. Маслов, К. Юсвалиев ва туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Б. Нишонқўловларнинг маслаҳат ва кўмагини миннатдорчилик билан эслайман. Улар ёш кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишган.

Тамара Ҳақимованинг шахс сифатида шаклланишида оила муҳити алоҳида ўрин тутган. Падари бузруквори Абдулҳабиб ота – партия ва шўро ишининг фахрийси, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, волидаи муҳтарамаси Каромат ая ҳам меҳнат



фахрийси, 9та фарзанднинг онасидир.

– Ҳаётда эришган ютуқларимда оила аъзоларимнинг қўллаб-қувватлаши катта бўлди, – давом этади Тамара опа. – Ёдимда, Алмати шаҳрига, Олий партия мактабига ўқишга кетишим арафасида отам оғир бетоб эди. Иккилаб турганимдан отам дуо қилиб, ўқишга қузатгани ҳаётимдаги унутилмас воқеадир.

Бугунги кунда Тамара Абдулҳабиб қизи умр йўлдоши Бахтиёр Абдуқодиров билан фарзандлар ҳамда неваралар даврасида умргузаронлик қилишмоқда. Унинг ҳаёт тажрибаси, фидойилиги ва ибратли фаолияти ёшларга намунадир.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Улрнинг олмос мавжёлари

Баҳорнинг гўзал айёми – 8 Март байрами арафасида ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаров, тадбиркорлар кенгаши раиси Шухрат Рўзиматов, Шимкент шаҳар ЎЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Уктам Иброҳимов билан бирга 103-баҳорини қарши олаётган нуруний онахон Хотира Ирисматовани зиёрат қилди. Онахонга совғаларини топширдик, эсдалик учун тасвирга тушиб, асрларни ортда қолдирган аянинг дуосини олдик. Онахон ёшлиқдаги беғубор хотиралари билан ўртоқлашди.



– Ҳар пайшанба куни онажоним кенжа қизлари Матлуба синглимнинг хонадонига келадилар, – дейди суҳбатда ўғли Фоғиржон Ирисматов, – Онам ушбу ташрифига руҳан тайёрланади. Баъзида акам келиб, онамни соғинганликларини айтиб, бир зумда уйларига олиб кетиш тараддуғига тушиб қолади. Онам отам раҳматлик билан 7 фарзандни вояга етказишди. “Шошманг, оймни навбати билан олиб кетамиз, у ҳам шундай тартибга одатланган”, дея акамга онамни ортиқча тараддулантирмаслигини айтаман. Ахир онам улуг ёшда, навбатма-навбат барча фарзандларининг хонадонларида бўлишсин, чеваралари, эвараларини кўриб, кўзлари қувонсин, дейман.

Оиладаги бу тартиб фарзандларнинг волидаи муҳтарамасига эҳтиром ва меҳр ифодасидир.

– Ойим 11 февраль куни 103 ёшга тўлди, – дейди қизи Матлуба Ирисматова. – Бу қутлуг санани сулоламиз билан акамнинг хонадонинида нишонладик. Бундай бахтиёр кунларни кўришни барчага тилайман. Уйимизга меҳмон бўлиб келган кунлари хонадонимизда ўзга қандайдир рух, файз ва хотиржамликни ҳис қиламиз. Бундай



бахтиёр онларни таърифлашга тил ожиз. Онам билан ёнма-ён ўтириб, унинг кўксига бош қўяман ва ҳали ҳам ёшлигимни, аникроғи, ўзим ҳам фарзанд эканлигимни ҳис қиламан. 9 нафар неваранинг бувижониси бўлсам-да, болалик даврим ҳамон давом этаётганидан Яратганга шукроналар айтаман.

Меҳмонлар онахон билан суҳбат давомида кўп эзгу ва чароғон кунларни эслашди. Нурунийдан олган сабоқлари, унинг фазилатларини оила аъзоларига ибрат қилиб кўрсатишларини айтишди. Онахон тарбиялаган фарзандлар эл қорига камарбаста инсонлар сифатида вояга етишди. Пиру-бадавлат сулолани бирлаштириб турган 40

нафар чеваранинг бувижониси. Унинг зиёратига ошиқиб келадиганлар аждодларини кўрган кўзларини, унинг хотираларини кўмсайди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ўғити – ҳаёт мактаби.

– Ҳавас қилгудек хонадонларимиз кўп бўлсин! – дейди Орифжон Холназаров. – 1972 йилда Шимкент шаҳридаги йирик савдо марказида раҳбар лавозимида ишлардим. Маънавий хизмат кўрсатиш нуктасига раҳбар қилиб тайинланган эди. Ўшанда магазин мудириман. Онахоннинг умр йўлдоши Юнусмат ота ҳам савдо нуктасида фаолият юритарди. “Кристалл” магазинида ишлаганман, ўша йилларда раҳматли Юнусмат

Мунира
ЖАМОЛИДДИН ҚИЗИ.

*Мухтарам онахонлар,
қабрли она-сингиллар!*

Баҳор наҳидаси тобора авж олаётган фусункор фаслда нишонланадиган байрамнинг муборак бўлисин!

8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни билан дунёдаги энг мўътабар зотлар – меҳрибон онахонларимиз, ҳаётимизга файзу-тароват бағишлайдиган мунис она-сингилларимиз, вафо ва садоқат тимсоли – латофатли қизларимиз, меҳрибон ва оқила, қалби дарё аёлларимизга элу юрт ардоғида бўлишни тилаб қоламиз.



Тоҳир НИШОНБОВ,
Шимкент шаҳар УЭМБ раиси.

Латофат байрами муборак!

Мунис ва азиз онахонлар, дилбар она-сингиллар! 8 Март – латофат ва гўзаллик байрами муборак бўлсин, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули бўлган, мухтарам аёллар!

Бу кун аввало, дунёдаги энг улуг зот – онага таъзим қиламиз! Инсон борки, она алласидан баҳраманд. Эзгуликнинг хуш нафаси ҳам қалбларимизга алла билан қиради. Сиз, оналар, ҳаётни бардавом қилиб, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдасиз. Бу кун сизларга дунёдаги энг эзгу ниятларни армуғон этамиз, таърифнингизга ашъорлар битамиз. Барчангизга сўҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, бахт ва омад тилаб қоламиз!



Шухрат РЎЗИМАТОВ,
Шимкент шаҳар,
Ал Форобий тумани УЭМБ раиси.

Баҳор айёми қутлуғ бўлсин!

Баҳор ўз сепини ёймоқда. Қалбларда янги умид, янги режалар, янги орзулар уйғонмоқда. Бегоён Қозоғистонда ҳам 8 Март – Халқаро хотин-қизлар байрами кенг нишонланмоқда. Барчамизга умид ва орзуларга тўла баҳор, оламни яшилликка бурковчи кўкларимиз муборак!

Азиз онахонлар, она-сингиллар! Баҳор айёми қутлуғ бўлсин! Хонадонларингизга тинчлик ва хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилайман.



Ихтиёр РЕЖАБАЛИЕВ,
“Алтин май” МЧБ директори.

Меҳр мулкчининг малиқаси

Оила – муқаддас даргоҳ. Инсон қалби илк бор шу масканда меҳрни танийди. Оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам мустаҳкам бўлади. Хонадон тинч бўлса, элда осойишталик бўлади. Бахтли оилалар кўпайган сари юрт равнақ топади.

Бугунги мусохабамиз фаровон оила бекаси, назокат, латофат тимсоли, меҳру муҳаббат кўргони бўлган Она ҳақида.

Умринисо Маҳаммадулова билан беш йил муқаддам танишганман. Ушанда унинг турмуш ўртоғи “КазНИИХимпроект” МЧБ муҳандиси, лойиҳаловчи Салоҳиддин Эминов ҳақида мақола ёзган эдим. Шу вақтдан буён муносабатимиз оддий танишликдан юксак меҳр-оқибатга айланди. Онахоннинг дуолари, ҳаёт тажрибасидан чиққан маслаҳатлари мен учун доим руҳий таянч бўлиб келмоқда. Бугунги кунда Салоҳиддин ва Умринисо Эминовлар барпо этган мустаҳкам оила пойдеворида 63 йил тўлди. Баҳор байрами арафасида ая 84 ёшга қарши олмақда. Бир умр меҳнат билан танилган саодат, сабр билан асралган муҳаббат, садоқат билан мустаҳкамланган меҳр ришталари сиридан воқиф бўлиш мақсадида онахонни сўхбатга чорладим.

– Оила салтанатининг подшоҳи – ота, вазири – она, деб

сингда радио бўларди, жума куни “мактаб радиоузелидан гапирардик”, деб мактабдаги ютуқлар ва камчиликлардан хабар берардик, деворий газета чиқарардик. 10-синфни тамомлагач, шаҳардаги касб-хунар билим юртида ўқиб, тикувчилик касбини эгалладим. Бугунги кунгача газета-журналларни севиб ўқийман, уларни сақлайман.

– Турмушга чиққач, ҳаётингиз қандай кечди?

– Турмуш ўртоғим ҳам ёлғиз ўғил. Унинг ҳам отаси урушда ҳалок бўлган. Қайнонам Тўти ая жуда яхши аёл эди. Оилада уч киши эдик, ишимиз кўп эди. Рўзгор юмушлари, молга қараш, ош-овқат, нон ёпиш, томорқадаги экин-тикин, барчаси менинг зиммамда. Қайнонамнинг юраги хаста эди. Йиллар ўтиб, фарзандлар дунёга келди. Қайнонам раҳматли болаларимни жон-дили билан катта қилишди

нинг тимсолини кўраяман. Меҳр-оқибатли, бағрикенг, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш она, буви тимсолисиз. Фарзандлар, набиралар ва чеваралар ардоғида яшамоқдасиз?

– Оила – турмушнинг муштраи, рўзгорнинг оғир юки аста унут бўладиган, кўнгалда янги кун баробарида янги умидлар уйғонадиган кутлуғ маскан. Албатта, 63 йиллик турмушим давомида ширин лаҳзалар, бахтли онлар, изтиробли кўз-ёшлар умр дафтаримизга битилди. Оилам, фарзандларим қалбимга ҳаловат, фикримга тинчлик, кўзимга равшанлик бахш этарди. Турмуш ўртоғим ноёб мутахассис. Ярим асрдан зиёд умрини кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар, тиббиёт ускуналари, дори ишлаб чиқариш соҳаларига бағишлади. Украина, Бошқирдистон, Доғистон, Россия давлатларидаги кимё заводларида, Шимкент шаҳридаги “Фосфор”, “Цемзавод”, “Химфарм”, Жамбил вилоятидаги суперфосфат



баракали хонадонимиздан меҳмонлар оёғи узилмайди. Меҳмон кутиш, дастурхон бозаш, муомала маданиятидан ҳам дарс бераман келинларга. Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар билан яхши қўшничилик қиламиз. Бир-биримиздан ўрганамиз. Улар оиламизга ҳавас қилишади.

– Сизнинг ҳаётингиз ёшларга ибрат, албатта. Оила қураётган қизлар ва келинларга қандай маслаҳат берасиз?

– Улар сабр ва бардош қасрининг, бахт саройининг малиқаси бўлишсин. Аслида бахт ҳар биримизнинг кўлимизда, атрофдагилар ва яқинларимизга муносабатимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Аёлларга хос назокат эркакларга ҳаммаша қанот бағишлайди. Замонамиз тинч, фаровон. Унинг қарига етиш керак, ҳар қандай муаммо ва синовлар олдида бардошли бўлишлари керак. Оилада ўта қаттиққўллик, совуққонлик ва шарафсизлик яхшиликка олиб бормайди. Турмушнинг муштрага чидай олмай, болаларини ота меҳридан маҳрум этаётганлар, меҳрибон ва азиз инсонларини йўқотаётганлар қанча. Биз катталар уларга тўғри йўл кўрсатиб, вақтида зарур маслаҳатларни беришимиз шарт. Бу дунё турфа тақдирли инсонларга тўла. Ҳар биримиз аслида бахт изловчиларимиз. Излаганга эришмоқ, истаганига етишмоқ ҳар биримизга насиб этсин!

Умр – чархпалак, айланаваради. Онахон билан сўхбатлашиб ўтирган хонада турли газет ва журналларнинг тахталарида эътиборимни тортди. Улар умр бўйи кутуб ва матбуот билан дўст тутишган инсон қалбининг ойнасидир. Умринисо аянинг кўнгли мулкда ҳам сўзгучи сабр-қаноат қоялари, бардош тоғлари бор. У нафақат аянинг ёр, меҳрибон она, сувоқли буви, балки ижодкор аёл ҳамдир. Унинг ён дафтарчаларига жуфти ҳалол, фарзандларига бағишлаб ёзилган шеърлар, ҳаётдаги энг қувончли ва аламли саҳналар битилган. Уз навбатда келинлари Раъно, Гулбадан ва Азиза ҳам миннатдорлигини яширмадилар. У 84 ёшида оналик ва бувилик салтанатини Яратганга шукр қилиб яшамоқда. У ҳаммаша уйим-жойим деган, элли, жураътли бека, жуфтга вафодор, фарзандларига фидокор, меҳрибарё ва одамларга сила раҳмли инсондир. Чехрасидан нур ёлғилан, ширинзабон, меҳру муҳаббат, эъзозу эътирофга лойиқ онахоннинг умр дафтари яна энг ширин хотиралар билан тўлаверсин.

Омонат ва ганимат дунёда бир-бирига яшилликлар илиниб яшайтган оила соҳибларига кўп йиллар хузур-ҳаловатли, хайр-саховатли, меҳмуруватли неъматларнинг шукрини тилаб қоламиз.

Мухтабар УСМОНОВА.



бежиз айтмайдилар. Оила кўргони тўрт девордан иборат. Шу тўрт девор барча сирларни яширади, унинг ичидегилар ўз бошига ёққан қорни ўзи курайдди. Ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз.

– 1942 йил 10 мартда Янги шаҳар даҳасида истиқомат қилувчи Мавлонқул ва Ойимхон Маҳаммадулов оиласида туғилдим. Отам урушга жўнаб кетганида онам менга ҳўмилидор бўлган экан. У фронтда отлик аскар батальонинида хизмат қилган. Бир кун отамдан шахримиздаги темир йўл вокзалдан ўтиши ҳақида хабар келди. Барча қариндош-уруғлар вокзалда отамни кутишган, поезд анча кечикиб келади ва жуда қисқа фурсатга тўхтади. Отам мени кўлига олиб, бағрига босибди-да, Шакар аммамга қараб: “Оиламни сизларга топширдим. Қизимни хўрламай, етим деб туртмай, ўз қизларингдек эъзозлаб, ўқитманглар, у сизларга омонат”, дея кўзгала бошлаган поездга сакраб, миниб кетибди. Мен шунда 4 ойлик чақалоқ эканман. Отам урушдан қайтмади, домдараксиз кетди. 28 ёшида бева қолган онам акам ва менга яхши тарбия берди. Болалигимиз қийинчилик ва очарчилик соҳиба эди. Акам билан яланғоёқ бугдойзорда машоқ териб, онамга ёрдам берардик. Онам раҳматли бизларни бошқалардан кам бўлмасин деб, дала ишларидан ташқари, сут-қатик, чекка қишлоқлардан ўрик қочи, жийда олиб келиб, Юқори бозорда сотарди. Онам ёлган нонни мен бозорга олиб бориб сотардим. Мактабда яхши ўқидим. Адабиёт ва шеърятга қизиқардим. Шу боис, мактаб радиоузелида суҳандонлик қилардим. Ҳар бир

менга яқиндан ёрдам берди. Унинг тарбияси тўғрисида фарзандларим одобли, соғлом бўлиб воғга етишди. 1964 йилда тўнғич қизим Махсуда туғилди. Шу йили турмуш ўртоғим институтга ўқишга кирди. Икки йил ётоқхонада ётиб ўқиди. Чунки ҳар куни шаҳарга қатнаш ҳам харажат талаб қиларди. Мен бозор қиламан. Даламиз бор, сабази, пивёз, картошка экамиз. Ҳар куни 7 қоп сабзини бир ўзим автобусда бозорга олиб бораман. Кечкурун бозордан қайтиб, яна сабази тозалайман, яхшисини ажратиб, ювиб қоплайман, тунги 2-3гача тўғрайман. Эрталаб печкага ўт ёқиб, овқат қўйиб, сизир соғиб, болаларнинг кирини ювиб, бозорга кетаман. 78 ёшида қайнонам қаттиқ хасталаниб қолди. Ёш боладек парваришладим, дардига малҳам қилишга ҳаракат қилдим, наилож, вақти келиб, омонатини топширди. Ёш болалар, тирикчилик билан ҳаёт давом этди. Карам, шолғом экардик, яна бозорда савдо-сотик билан оилани тебратишни давом эттирдик. Сабр-қаноат, яхши кунлар келишига умид билан яшадим, тўрт девор сирларини кўчага олиб чиқмадим. Баъзида етимлигим, ота-она меҳрига тўймай улғайганим, турмушдаги аччиқ аламли кунлар, дилмин оғритганлар барчаси кўз олдимдан ўтади. Ҳеч кимга кўз ёшимни кўрсатмай, йилгала кунларим бўлди. Бироқ, фарзандларим менинг ишонган тоғларим, суял-чиқларим бўлди. Турмуш ўртоғим кўпроқ хизмат сафарларида бўлган боис, фарзандлар тарбияси ва уй-рўзгор ишлари кўпроқ менинг зиммамда бўлди. Аста-секин улар ҳам қанотимизга киришди.

– Сизда ҳақиқий ўзбек аёли-

ли, хушмуомала бўлиб кетишган. Ҳовлидаги иссиқхонада кўкатлар етиштирамиз. Сизир, от, қўларимиз бор. Далада қулупнай, помидор ва бодринг етиштирамиз. Мен ўта талабчан, қаттиққўл ҳамда меҳрибон “ойижон” ман.

“Қариси бор уйнинг париси бор”, деганларидек, файзимда ширин лаҳзалар, бахтли онлар, изтиробли кўз-ёшлар умр дафтаримизга битилди. Оилам, фарзандларим қалбимга ҳаловат, фикримга тинчлик, кўзимга равшанлик бахш этарди. Турмуш ўртоғим ноёб мутахассис. Ярим асрдан зиёд умрини кимё маҳсулотлари, минерал ўғитлар, тиббиёт ускуналари, дори ишлаб чиқариш соҳаларига бағишлади. Украина, Бошқирдистон, Доғистон, Россия давлатларидаги кимё заводларида, Шимкент шаҳридаги “Фосфор”, “Цемзавод”, “Химфарм”, Жамбил вилоятидаги суперфосфат

баракали хонадонимиздан меҳмонлар оёғи узилмайди. Меҳмон кутиш, дастурхон бозаш, муомала маданиятидан ҳам дарс бераман келинларга. Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар билан яхши қўшничилик қиламиз. Бир-биримиздан ўрганамиз. Улар оиламизга ҳавас қилишади.

– Сизнинг ҳаётингиз ёшларга ибрат, албатта. Оила қураётган қизлар ва келинларга қандай маслаҳат берасиз?

– Улар сабр ва бардош қасрининг, бахт саройининг малиқаси бўлишсин. Аслида бахт ҳар биримизнинг кўлимизда, атрофдагилар ва яқинларимизга муносабатимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Аёлларга хос назокат эркакларга ҳаммаша қанот бағишлайди. Замонамиз тинч, фаровон. Унинг қарига етиш керак, ҳар қандай муаммо ва синовлар олдида бардошли бўлишлари керак. Оилада ўта қаттиққўллик, совуққонлик ва шарафсизлик яхшиликка олиб бормайди. Турмушнинг муштрага чидай олмай, болаларини ота меҳридан маҳрум этаётганлар, меҳрибон ва азиз инсонларини йўқотаётганлар қанча. Биз катталар уларга тўғри йўл кўрсатиб, вақтида зарур маслаҳатларни беришимиз шарт. Бу дунё турфа тақдирли инсонларга тўла. Ҳар биримиз аслида бахт изловчиларимиз. Излаганга эришмоқ, истаганига етишмоқ ҳар биримизга насиб этсин!

Умр – чархпалак, айланаваради. Онахон билан сўхбатлашиб ўтирган хонада турли газет ва журналларнинг тахталарида эътиборимни тортди. Улар умр бўйи кутуб ва матбуот билан дўст тутишган инсон қалбининг ойнасидир. Умринисо аянинг кўнгли мулкда ҳам сўзгучи сабр-қаноат қоялари, бардош тоғлари бор. У нафақат аянинг ёр, меҳрибон она, сувоқли буви, балки ижодкор аёл ҳамдир. Унинг ён дафтарчаларига жуфти ҳалол, фарзандларига бағишлаб ёзилган шеърлар, ҳаётдаги энг қувончли ва аламли саҳналар битилган. Уз навбатда келинлари Раъно, Гулбадан ва Азиза ҳам миннатдорлигини яширмадилар. У 84 ёшида оналик ва бувилик салтанатини Яратганга шукр қилиб яшамоқда. У ҳаммаша уйим-жойим деган, элли, жураътли бека, жуфтга вафодор, фарзандларига фидокор, меҳрибарё ва одамларга сила раҳмли инсондир. Чехрасидан нур ёлғилан, ширинзабон, меҳру муҳаббат, эъзозу эътирофга лойиқ онахоннинг умр дафтари яна энг ширин хотиралар билан тўлаверсин.

Омонат ва ганимат дунёда бир-бирига яшилликлар илиниб яшайтган оила соҳибларига кўп йиллар хузур-ҳаловатли, хайр-саховатли, меҳмуруватли неъматларнинг шукрини тилаб қоламиз.

**ОНА!
МУАЛЛИМА!
УСТОЗ!**

Ўлкамизда баҳор, чор-атрофга кўклар ўз сепини ёймоқда. Осмон узра паға-паға булутлар кезиб, она табиатнинг мўъжизаси ила ёғир сепаламоқда. Гиёҳлар, ям-яшил ўтлар уна бошлабди, қаранг.



Ушбу фарахбахш кунлар – байрам арафасида бизга тарихи теран Ҳамза номли мактабда таълим-тарбия берган азиз устоз-мураббийларимиз ҳақида қалам тебратмоқни ихтиёр айладик.

Ўзбек тили ва адабиёти фанининг билимдони Замира Абдураим қизи 1936 йили зиёли оилада дунёга келган. 1943 йили Ҳамза (собиқ Сталин) номли мактабнинг 1-синфига ўқишга боради. 1953 йили илм масканини аъло баҳолар билан тамомлайди. Сўнг шу йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга қиради. 1957 йили ўқишни тамомлаб, (Сталин) Ҳамза номли мактабда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. У 1958 йили Аҳмадқул Сайдалиев билан оила қуради. Етти қиз, икки ўғилнинг олий маълумоти касб эгалари сифатида камол топишларига камарбаста бўлишди.

Онахон – муаллима 1982 йилдан буён нафақа гаштини сурмоқда...

Умрини рус тили ва адабиёти муаллималигига бағишлаган Марҳамат Мўминжон қизи Тошкент шаҳрининг Чорсу даҳасида савдогар оиласида дунёга келган. Ёшлигидан маҳалла болаларини тўплаб, биринчи қаватдаги уйлارнинг бир хонасидаги тахтага турфа расмлар чизиб, улар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилишни хуш кўрарди. Тенгқурларига савол бериб, жавобларини олмагунча тиниб-тинчимасди. Мана шу қизиқишлар, интилишлар ўқитувчилик сари қўйилган дастлабки қадам бўлса не ажаб.

– 7 ёшимда маҳалламизга яқин «Учкун» мактабининг 1-синфига қадам қўйдим. Ун йил мобайнида фаол ва аълочи ўқувчилар сафида илм масканини тамомладим. Низомий номидаги ТДПИга ўқишга кирдим. 1961 йили олий маълумотли мутахассисга айландим. Бўка туманида ўқитувчилик фаолиятимни бошладим. Икки йиллик мажбуриятимни ўтагач, 1963 йили Қори Ниёзий номли илмий муассасада илмий ходим вазифасида меҳнат фаолиятимни давом эттирдим, – дейди Марҳамат Расулова.

– Тақдир тақозоси билан 1967 йили Қорабулоқ қишлоғидаги Ҳамза номли мактабда рус тили ва адабиёти, кейинроқ одобнома фанларидан сабоқ бердим. 2004 йили фахрий хордиққа чиқдим. Хали-ҳануз қадрдон ҳамкасбларимни хурмат ва эҳтиром билан эслайман...

Манзура Шайлов қизи, Опа менинг биринчи ўқитувчим,



билим юртида таҳсил олди, ўқитувчилик сирларини ўзлаштирди. Тафаккурию онгини кенгайттирди, юксалтирди.

М. Содикова 1967 йили Ҳамза номли мактабда бошланғич синф муаллимаси сифатида фаолиятини бошлади. Бу ерда



унинг педагогик маҳорати ўсди, тажрибаси шаклланди, ёш авлодга ватанпарварлик руҳида билан бериш орқали эл хурмати-га сазовор бўлди. Турмуш ўртоғи, ўқитувчи Бекпўлат Тўхтамишев билан ажойиб фарзандларни камолга етказишди.

2005 йилда фахрий хордиққа чиққан Манзура Содикова бугунги кунда шогирдлари, фарзандлари, нева-чевараларининг маслаҳатгўйи, оқила дуоғўйи.

Устоз отангдек улуг, онангдек мўътабар. Ана шундай муқаддас ва шарафли касбининг ривожига ҳисса қўшган устозларимизнинг умрлари баракали бўлсин.

Баҳорий айём муборак бўлсин, қадри баланд устоз-муаллималар!
Зокиржон МАВЛОНҚУЛОВ.

**Тилақларим
сизга армуғон...**

Сизларни баҳорнинг илк айёми – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин юракдан табриклайман! Сиз борсизки, ҳаётнинг ҳар они файзли ва сермазмун. Фарзандлар тарбиясидек машаққатли меҳнатнинг удабурро ижрочиси ҳам ўзингиз. Сизнинг фарзандлар камоли учун қилган хизматингиз беқиёс. Меҳрингиз кўшдек беминнат ва қайноқдир.

Байрам арафасида сизларга энг гўзал тилақларимни илинган ҳолда, ишингизга ривож, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Муҳаббат ИБРОҲИМОВА,
Туркистон вилоят
УЭМБ қошидаги
оналар кенгаши
раисаси.

**Аёл -
табиатнинг
буюқ мўъжизаси**

Инсоният тарихи давомида хотин-қизларга ҳурмат ва эъзоз кўрсатилиб, улар ҳамиша эътибор марказида бўлиб келишган. Чунки аёл ҳаёт мазмуни, эртанги кунимиз давомчилари – келажак авлодни дунёга келтирувчи ва уларга тарбия берувчи буюқ зотдир. 8 Март – хотин-қизларга эътибор ва миннатдорчиликни ифодалайдиган қутлуғ сана. Бу кунда самимий тилақлар, эзгу дуолар айтилади, меҳр ва ҳурмат кучаяди.

Қадри ва меҳридарё опа-сингиллар! Сизлар меҳроқибат, самимият ва бағрикенглик тимсолисиз. Бахтимизга доим бор бўлинглар!

Каримкул ПУЛАТБОВЕВ,
“Назира ана” болалар
боғчаси мудир.

**Баҳорий
қайфият
барқавом бўлсин!**

Қадри онахонлар, меҳрибон олажонлару, латофатли сингилжонлар! Кўклам тантанаси – Халқаро хотин-қизлар байрами барчангизга муборак бўлсин! Оилаларингизга хотиржамлик, ўзингизга соғлик, ишларингизда муваффақиятлар тилайман! Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин! Хонадонингиз, фарзандларингиз, авлодларингиз бахтига омон бўлинг. Меҳр-мурувват, бахту иқбол хонадонларингизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Озодахон МУСАЕВА,
Шимкент шаҳар
УЭМБ қошидаги оналар
кенгаши раисасининг
ўринбосари.

Онангиз ўрнига...

Бугун байрамиди ўйларингизда?
Ҳамма жамулжамми тўйларингизда?
Ўрни тўлмаётган ўйларингизда
Онангиз ўрнига опангиз йўқланг.

Қанийди бўлсачи онам демангиз,
Бўлса нур бўларди хонам демангиз,
Бир кунгина кўйинг, болам демангиз,
Онангиз ўрнига синглингиз йўқланг.

Ҳиди келар онангизнинг улардан,
Сиймоси ҳам кўринади шуларда,
Она руҳи шунда шодмон бўлар-да,
Онангиз ўрнига опангиз йўқланг.

Онам розимикан, дея ғам босса,
Тушингизга кириб, ҳаловат қочса,
Соғинчингиз юрагингиздан тошса,
Онангиз ўрнига опангиз йўқланг.

Бугдўйор бўлса ҳам йўл, кесиб ўтинг,
Жон синглингиз учун сой кечиб ўтинг,
Кўрмасангиз бир кун, ичкиб кетинг,
Онангиз ўрнига синглингиз йўқланг.

Қиёматда ҳолингиз сўрагувчингиз,
Топилмай турганда қарагувчингиз,
Сизни савобларга ўрагувчингиз,
Онангиз ўрнига синглингиз йўқланг.

Улар кутмас сизнинг эҳсонларингиз,
Бир дарахт илдизи, жон-танларингиз,
Онангиздай меҳри уммонларингиз,
Онангиз ўрнига опангиз йўқланг.

Бир узоқдами, бири яқиндир,
Майли, бири ювош, бири чақиндир,
Силаи раҳимни билинг, ҳақим деб,
Онангиз ўрнига синглингиз йўқланг.

Ҳозир имконият бир зумлик замон,
Кўлингиз чўсангиз турибди имкон,
Опангиздан ҳол сўраб қилинг телефон,
Онангиз ўрнига синглингиз йўқланг!

Байрам туҳфаси

Бойчечак шивири келтирар салом,
Жилғалар жаранлар, уйғонар олам,
Шоир шеър битмоққа чархлайди қалам,
Кимга кулар баҳор бундай чиройли?

Бойчечак гулида баҳор саломи,
Қушларнинг тилида хуш куй – каломи,
Табиатга ёйиб жаннат жамолин,
Оламларга кулар баҳор чиройли.

Жилғаларнинг ёқиб жаранг хироми,
Шивири оҳанги – сеҳрлар роми,
Еллар берар силаб беҳишт оромин,
Оналарга кулар баҳор чиройли.

Гулларга бурканиб боғлар тамоми,
Бўйинг тиккан сайн ҳузурда жонинг,
Март билан бошланар кўйлаги номи,
Қизларжонга кулар баҳор чиройли!

Онамга айтманг

Нега келганимни айтманг онамга,
Шунчаки йўл усти кирганман бирров.
Йиғлаб олай кириб ёшлик хонамга,
Бунни тушунгиси келмайди биров.

Мени кўрган кўзлар порлар бўлса ҳам,
Тезроқ келиб кўйсам гумони ортар.
Тиззасин кучоқлаб ўтириб маҳкам,
Йиғлай олмасликдан юрагим қотар.

Кўзлари сезади дилдаги туним,
Ўзимнинг хонамда келар йиғлагим.
Дардимга кулф солиб, болалик куним,
Эсласам дармонга кирар юрагим.

Кетсаму сўраса, айтинг тўғри-да,
Кўзига боқмоққа келмайди чамам.
Болаликка қайтиб, онам бағрида
Йиғлай олмаслигим – энг оғир алам.

Нега келганимни айтманг, онамга...

Барно ҚАРНОҚЛИ.

**Она алласи**

Алла айтай, жон болам,
Сен билан ёруғ олам.
Алла тинглаб, ухласанг,
Жонинг олади ором.
Суянчимсан, алла-ё,
Кувончимсан, алла-ё.
Кўксимдаги юлдузим,
Қоши кўзи кундузим.
Ортимда қолар изим,
Сен ила ёруғ юзим
Суянчимсан, алла-ё,
Кувончимсан, алла-ё.
Эъзозлаб биз от кўйдик,
Ақиқага от сўйдик.



Азиз бўлгин, илойим,
Бахтинг берсин Худойим.
Суянчимсан, алла-ё,
Кувончимсан, алла-ё.
Бобосин кўзичоғи.
Бувисин овуноғи,
Онасининг эркаси.
Адасин кўзмунчоғи,
Суянчимсан, алла-ё,
Кувончимсан, алла-ё.
Гулзор ичра гулимсан,
Хуш овоз булбулимсан.
Сен билан кўркем боғим,
Хурсанд уруғ-аймоғим.
Суянчимсан, алла-ё,
Кувончимсан, алла-ё.

**Саккизинчи
март байрами**

Кўклам келди майин шамол,
Баҳор куйлар дилда камол.
Табиатга жон бағишлаб,
Янарар ҳаёт гўзал висол.
Аёл-қизлар – назокат гули,
Меҳрга тўла пок дили.
Нозик қалблар нур сочади,
Сизлар билан ҳаёт чиройли.
Бугун шодлик ҳар хонадонда,
Кувонч тўлар дилу жон.
Саккизинчи март муборак бўлсин,
Янрайди табрик ҳар томон.
Аёл-қизлар бахти учун,
Дилдан дуо айтаман.
Орзу-умид ёруғ бўлсин,
Бахтли ҳаёт тилайман.
Саккизинчи март – гуллар кунни,
Меҳр-муҳаббат фасли.
Аёлларга эҳтиром бу,
Инсониятнинг асли.
Бу байрам ҳар йил келади,
Юракларга нур солади.
Аёл меҳри дунёга,
Яхшиликлар улашади.
Кулгуларингиз янгрисин,
Қалбингиз нурга тўлсин.
Бахт-саодат ҳамроҳ бўлиб,
Орзуларингиз ушалсин.
Муборак бўлсин байрамингиз,
Шодлик бўлсин ҳар дам.
Аёл-қизлар бор экан,
Гўзал бўлар бутун олам.

МАВЛОНИЙ.

**Қайнона
қўшиғи**

Бўлиб ширин уйқусин,
Эрталаб тонгдан турса.
Ҳовли-ю кўча-қуйни,
Тоза қилса супурса.
Бу одагин ташламас,
Ёмғир, қорли қишда ҳам.
Ўзин четга олмайди,
Ҳар қандайин ишда ҳам.
Қандай қилиб келинни,
Ёмон дейман мен сенга.
Ёмонласам агарда,
Бирор наф борми менга.
Тобим қочса, бошимда,
Ош-қатиқдир ошимда.
Не истасам муҳайё,
Мен ожизман қошида.
Чақирсам, у лаббай – деб,
Тез ёнимга келади.
Не буюрсам хўп – дея,
Югуради, елади.
Келинимнинг бошидан,
Сув ўгириб ичай мен.
Бўлса агар гуноҳи,
Чин кўнгилдан кечай мен.
Бировларнинг ишига,
Асло бурин тикмаса.
Хасадагўйлар гапига,
Асло қулоқ тутмаса.
– Қизим, – дея кучоқлаб,
Бағримга босгим келар.
Биласизми, бу бошдан,
Ўтмади, дейсиз нелар.
Бу ҳам биров боласи,
Очилган гул-поласи.
Чалинмади қулоққа,
Қудаларнинг ноласи.
Қайноналар-келинлар,
Ибрат олса бўлади.
Ўшанда шоир қалби,
Кувончларга тўлади.

Эрназар РЎЗИМАТОВ.

Қанийди

Ёмғир, шиддатингдан кўнгилда ҳадик,
Ножўя шўхлигинг намён этма,
Майсалар бағрида қаддини ростлаб,
Ниш урган чечакни оқизиб кетма.

Ёғавер бугдўйлар интилсин кўкка,
Дов-дарахт чанқоғини қондирсин тўйиб,
Уйқудан кўз очган замин бағрини,
Ҳаққирган селларинг кетмасин ўйиб.

Ёғавер шивалаб – ризқ бу бандага,
Яратган Эгамнинг берган инъоми,
Халос этолсайдинг бало-қазодан,
Қайғудан артсанг, бутун дунёни.

Қурол-аслаҳага қолмаса ҳожат,
Бомбалар курсида, уммонлар ютиб,
Чўктура олсайдинг ҳамма ёмонни,
Урушлар тугаса, жанжаллар битиб.

Қанийди! Ер юзи яшнаса гуллаб,
Эрта бугунгидан бўлса зиёда,
Ижобатин бериб илтижойимиз –
Тинчлик қарор топса бутун дунёда!!!

Қурвоной БАҲОДИРОВА.

»» Туғилган ер

Ватан нимадан бошланади? Бу саволга баъзилар она алласидан бошланади, деса, баъзилар туғилиб ўсган уйининг дарвозасидан, яъни, остонадан, деб жавоб беришади. Билмадим, балки, ҳовлидаги кукка интилаётган дараклардан, унда сайраётган қушлардан бошланар. Ҳовлидаги райҳонлар офоридандир балки? Ватанга муҳаббат-чи? Онамизнинг тандирга ёлган иссиқ кулчасидан бошланса керак. Балки, қишлоқдан шаҳарга борадиган йўлдан бошланар? Ерга урган биринчи кетмон зарбидан ёки янги ўрилган беданингми, ёзги ёмғирнингми, янги соғилган сутнингми ҳидидан бошланар? Аслида, ватанпарварлик ҳис туйғуси ҳам мана шулар орқали шаклланади.



– Ёшим олтишдан ошди, – дейди тўлбайлик тadbиркор Тойир Мирёқубов. – Оилада 11 фарзанд эдик. Урим пайтини биз, болалар орзиқиб, худди катта байрамдай кутардик. Ҳатто, уйкуга кетаётиб, ухлаб қолмасмиканми, дадамиз бизни уйғотмай кетиб қолмасмикан, деб кўрқардик. Эрталаб, тонг отмасдан туриб олардик, онамиз бу вақтда сизгирни соғиб, сутни пишириб қўйган бўларди. Дастурхонда эндигина тандирдан узилган иссиқ нон ҳам, биз териб келган қулупнайидан мурabbo ҳам турарди.

– Ойи, қачон улғурдингиз, ҳатто қаймоқ ҳам чиқариб қўйибсиз, тун билан ухламадингизми? – деб сўрардик.

– Чойларингми ича туринглар, мен

ҳозир тухум пишириб бераман, – дерди ойим.

Ойим ҳаммамизнинг бўз қўйлақларимизни тайёрлаб қўйибди. Бу кийимда бўка чақмайди, кун ҳам урмайди.

Нонушта қилиб бўлиб, дадам тайёрлаб қўйган асбоб-ускуналар – ўроқ, хаскаш, қайроқларни оламиз ва от-аравага ўтириб, йўлга чиқамиз. Отамиз пичанни ўради, биз, болалар бир жойга тўплаймиз. Куннинг қандай ўтганини билмай қоламиз. Ғарамга ўзимизни ташлаб, бир зум бор дунёни унутардик. Чарчасак ҳам, эртанги кунни, бу муъжизанинг тақдорлигини яна орзиқиб кутардик. Мана шу кунларни тақдиримга ёзган Яратганга шукроналар айтиб, ота-онамнинг руҳи

ОНА ЗАМИН ОҲАНРАБОСИ

покларига, қишлоғимга мингдан-миг таъзим қиламан. Меҳнатга алоқадорлик мўъжизасидан ҳозирги болаларнинг маҳрум бўлиб қолаётганидан қуноаман. Эрталаб 7-8-синфда ўқиётган болаларига юз-қўлини ювиш учун сув иситиб бераётган оналарни кўриб, икки қарра қуноаман. Бунақада деҳқон меҳнатининг қадрига ким етади? Ахир деҳқончилик соҳасида минглаб йиллар давомида тўпланган тажрибалар бор, улар отадан болага мерос сифатида ўтиши керак. Масалан, кунгабоқар ҳаддан ташқари кўп сўғорилса ҳам, кам сўғорилса ҳам, меваси пуч бўлиб қолади. Бошқа экинларнинг ҳам шунга ўхшаш сир-асрорлари бор.

Дарҳақиқат, деҳқончилик соҳасига эътиборсизлик туфайли экин экаётган тажрибали деҳқонлар сони камайиб бормоқда. Ҳатто, баъзи туманларда юзлаб гектар обикор ерларга экин экилмай, бегона ўт, тиканак босиб ётибди.

Рост, бугунги кунда техника хизмати ҳам, унинг эҳтиёт қисмлари ҳам, ёнлиги ҳам қиммат. Шуларни ҳисобга олган ҳолда давлатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасига қўллов кўрсатмоқда.

Давлат бизнес билан биргаликда халқаро бозорларда стратегик ўринларни излаб топиши ва мамлакат маҳсулотини ўтказиши зарур. Қишлоқ хўжалигини жадаллаштириш маҳсулот сифати ва экологик тозаллигини сақлаган ҳолда ўтказилиши керак. Бу “Қозоғистонда ясалган” табиий озиқ-овқат маҳсулотлари брендини яратиш ва кўрсатишга ёрдам беради. У бутун жаҳонда танилиши керак.

Йириклаштирилган агрохўжаликларга субсидия ва кредитлар берил-

моқда. Муҳими, ишни тўғри ташкил қила билишда.

Бир ривоятда қариянинг тўрт ўғлига қарата “Ким ақлли ва давлатманд бўлса, ўша оила бошлиғи бўлиб қолади”, деган сўзларига ўғилларидан бири зумрад кўзли олтин узуги, иккинчиси зарбоф чопонини, учинчиси эса қимматбаҳо камарини кўрсатади.

Кенжа ўғил эса “Менда зумрад кўзли узук ҳам, зарбоф чопон ҳам, қимматбаҳо камар ҳам йўқ. Лекин меҳнаткаш қўлим, ботир юрагим, ақлли бошим бор”, дейди ва отаси уни оила бошлиғи қилиб, уй-рўзгорини мерос қолдиради.

Алишер Навоийнинг “Меҳмоннома” достонида ҳам меҳнатга муҳаббат қуйланади, “Маҳбуб-ул қулуб” асариде эса турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётидаги ўрнини белгилайди, фазилат ва нуқсонларини кўрсатади. Деҳқонлар тўғрисида фикр юритар экан, “Деҳқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. Олам маъмурлиғи алардин ва олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаёнки, қилсалар ҳарокат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот”, деб деҳқонларни, яъни, меҳнаткаш инсонни улуғлайди.

Ҳозирги ота-оналар эса фарзандларининг олий маълумот олиб, шаҳарда яшашларини исташади. Тўғри, жамиятимизга олимлар ҳам, шифокорлар ҳам, ёзувчилар ҳам керак.

“Одам боласи – чексиз ақлнинггина эмас, ажойиб туйғуларнинг ҳам соҳиб. Туғилган ер – ҳар кимнинг кўз очиб кўрган, бағрида эмаллаб, тетапоя қилган хосиятли макони, талай одамларнинг умрбод ашайдиган ўлкаси. Уни,

қайда юрсада, дили тўрида асраб, ал-лалаб ўтмайдиган инсон боласи йўқ.

Туғилган ерга, унинг маданияти ва урф-одатларига ўзгача иштиёқ билан ёндашиш – ҳақиқий ватанпарварликнинг муҳим кўринишларидан бири”, дейилади.

Мен туғилиб ўсган Алишер Навоий қишлоғида бир ибратли воқеа бўлган эди. Олтинчи сиф ўқувчиси вилоят олимпиадасида биринчи ўринни эгаллайди. Унга “Тау самали” ўқув-соғломлаштириш лагерига йўлланма берилди.

– Мен у ёққа боролмайман. Икки бузоғим, қўёнларимга ким қарайди?

Ўқувчини ҳеч ким дам олишга боришга кўндира олмайди. Болани бундай фикрлашга ким ўргатган? Ота-она, мактаб, қишлоқ ҳаёти, баҳамжиҳатлик аталувчи маънавият негизлари. Бу бола келажакда меҳнатсевар инсон бўлиб етишади, албатта.

Биринчи май қишлоғида қирқ йил устозлик қилган аёл Америкага кўчиб кетди. Бир йил ўтмай, қайтиб келди. “Қишлоғимсиз ҳаётимни тасаввур қила олмас эканман”, деди ҳамқишлоқларига.

Илгариги одамлар мана шундай тарбияланган. Бундан буён ҳам болаларни шундай тарбиялаш керак. Ҳар бир боланинг теварағида улугвор меҳнат майдони, яхши анъаналар ва ота-онанинг эзгу ишлари бўлсин.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.

Тасвирда: Тойир Мирёқубов турмуш ўртоғи Минура билан укаси, аффон урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Нуриддин Миралиев мажмуаси ёнида.

»» Устоз Фарҳод Раҳимов таваллудининг 90 йиллигига



Шоир, журналист, устоз, фаол ташкилотчи Фарҳод Тўйимат ўғли Раҳимов 1936 йил 18 майда Туркистон тумани Эски Иқон қишлоғидаги ўқитувчи оиласида дунёга келди. Қишлоқдаги 6-ўрта мактабни илғорлар қаторида битириб, ўша йили Тошкентдаги Урта Осий давлат университетининг филология факультетининг журналистика бўлимига ўқишга кирди.

Университетни муваффақиятли тамомлади. Мактабда ва университетда жамоат ишларида фаол эди. Меҳнат фаолиятини Тошкент телевидение-сида бошлади. Туркистондаги “Қизил Туркистон” туман газетаси тахририятида ишлади. Теран мазмунли шеърлар, публицистик мақолалар ёзди. 1963 йилдан Эски Иқон қишлоғидаги Ю. А. Гагарин номи мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб меҳнат фаолиятини давом эттирди. Доимий изланувчанлиги шарофати билан “Уч тилни бирга қўшиб ўргатиш” усулларини ишлаб чиқди ва мактабда қўллаб, юқори натижаларга эришди. Машҳур педагог-ислохотчи Сухомлинский усули бўйича мактабда таълим-тарбия ишларини олиб борди.

Олий тоифали ўқитувчи, “Методист ўқитувчи” унвони мукофотларига сазовор бўлган.

Адабиёт, маънавият-маданият, матбуот, санъат соҳаларида жонкуяр эди. Бадиий ҳаваскорлик тўғрақларини тузиш, ёш истеъодлар концертини ташкил қилиш, туман марказида ўтадиган танловларда қишлоғимиз вакиллари фаол иштирок этишига яқиндан ёрдам берарди. Хурматли устозим сифатида Фарҳод ака билан 1963 йилдан то умрининг охиригача (2021 йил 28 апрель) ҳамкорлик қилдик.

Қишлоғимиздаги “Партия XXIII съезди” давлат хўжалигига қарашли маданият саройининг иккинчи қаватида 1990 йиллари “Иқон ойнаи жаҳони” телекўрсатувига муҳаррирлик қилди. Нуриддин Шаропов муҳандис-оператор, Улуғбек Тошхоннов суҳандон бўлиб ишлади. 2002 йилдан ушбу телекўрсатув Олим Тошбоев бошчилигида “Иқон-давр” номи билан фаолият юритди. Зулкарнам Зарбиддинова суҳандонлик қилди.

Фидойи устоз, шоир ва журналист ҳамқишлоғимиз

Фарҳод ака қишлоғимиздаги 23-сонли ҳунар-техника коллежи директори, вилоят маслаҳати депутати Муталлиб Йўлдошевнинг моддий ва маънавий қўллови, Сурайё Ибрагимова ва Ойсултон Абдуқодироваларнинг астойдил кўмаклари натижасида 2007 йили “Иқоним имоним”, 2009 йилдан эса вилоят миқёсидаги “Яссавий нури” газетасини нашр қилиб, муҳаррирлик қилди. Кейинчалик ушбу нашрга Ажажон Иззатуллаев мутасадди бўлди.

Фарҳод Раҳимов ҳамкасб дўсти Ориф Зайнилов билан қишлоғимиздаги китобни кўп ўқийдиган энг фаол зиёлилардан бўлиб, хонадонларидаги шахсий кутубхонасида жуда кўп ноёб китоблари, хусусан, ўзбек, қозоқ, рус адабларининг мумтоз асарлари жамланган эди. Руҳшуносликка оид китобларни тинимсиз мутулаа қиларди. Муталлиб Йўлдошев билан ҳамкорликда руҳшуносликка оид мавзулар тайёрлади. Психология

заларини олимлар эътиборига ҳавола қилдик.

2021 йили Мир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига “Туркистон – Алишер Навоийнинг маъзуида вилоят “Жанубий Қозоғистон” газетасига туркум мақолалар ёзиб, танловда иштирок этдик. Биргаликда Навоийнинг “Кеча келгумдир дебон”, деб бошланадиган машҳур ғазалини таҳлил қилиб, уни газетанда чоп этдик. Мен “Театрдаги Навоий образини эслаб...” мақоласини ёзиб бердим.

Фарҳод Раҳимов муносиб номзодларни туман, вилоят маслаҳатига сайлаш, пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқли ташкил этиш каби масалаларда қишлоғимиз аҳлига оташин муружаатномалар тайёрлаб, шеърлар битарди. Уларни биз қишлоқ радиоси орқали ўқиб, ойнаи жаҳонда намойиш этардик. Сўнги йилларда Фарҳод Яссавийзода тахаллуси билан ижод қилди. “Яссавий нури” газетасининг 2018



Ундан кейин ҳамқишлоқлари Сафо Зокиров, Эркин Имомалиевлар бу соҳада ишлашди. Иқондаги ҳозирги қаламақашлар, адабиёт, маданият, санъат, маънавият, маърифат фидойиларининг устози эди.

Фарҳод ака ҳаётининг сўнги йилларида кўзи хасталигига қарамасдан олдиға қўйган мақсадларига содиқ ҳолда тadbиқот, изланиш, ижод қилиш бобида фаолиятини аввалгидек давом эттирганлиги – қалб кўзи зийрак ижодкорнинг ўзгаларга ибрат ва ўзига хос улкан маънавий жасорат эди. У китобсеварлар жамоаси ташкил этиш, қишлоқ турғунлари фаол китобхон, газетхон бўлишини, айниқса, ёшлар мутулаага кунт қилишини орзу-армон қилган эди. Бу орзулар ёшларнинг илмли бўлишига бел боғлаб, астойдил хизмат қилаётган, Иқонда китобсеварлар клубини ташкил этиб, уни моддий қўллаб, маънавий рағбатлантириб келаётган, кўҳна тарихимиз, асрлар қаърида “кўмилиб қолган” дурдоналарни топиб, юзага чиқаришга жонбозлик кўрсатаётган қишлоқнинг асл фарзанди, жамоат арбоби, академик Раҳматжон Абдусатторов амалга оширмоқда. Фарҳод Раҳимов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан ёш авлодни она тилимиз, муштарак туркий тарихимизга эътиқод руҳида тарбиялашга чорловчи хотира тadbирлари ташкил этилса, деган тақлимим бор.

Ирискул Аббосхўжа ИҚОНИЙ, ҚРда хизмат кўрсатган маданият арбоби, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, фахрий академики.

Тасвирларда: Фарҳод Раҳимов; Туркистон, Сайрам ва эскиқонлик ижодкорлар даврасида; М. Йўлдошев билан.

Ажажон ИЗЗАТУЛЛАЕВ суратга олган.



фанлари академиясининг Қозоғистондаги бўлими директори Аҳмаджон Муҳаммаджонов тавсияси билан Фарҳод Раҳимов ва Муталлиб Йўлдошев Санкт-Петербург академиясининг фахрий академиги илмий унвонига сазовор бўлишди.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ташаббуси билан 2016 йили А. Яссавий йил деб эълон қилинди. Туркистондаги ХҚТУнинг маданият саройида “Х. А. Яссавийнинг мероси ва Туркистон” мавзуида илмий-амалий анжуманларда иштирок этдик. Сўнги йиллари Фарҳод Раҳимовнинг кўриш қобилияти пасайиб кетганлигига қарамасдан биргаликда анжуман маърузаларини рус, қозоқ, ўзбек тилларида тайёрлади. “Предложения по изучению наследия и учения Х. А. Ясави”, “Новый взгляд на учения А. Ясави”, “А. Яссауи және квант физикасы”, “XXI аср – А. Яссавий асри бўлади” маъру-

йил 18 майдаги сониде “XXI аср – А. Яссавий асри бўлади”, деб номланган илмий психологик мақоламизда Фарҳод аканинг “Ассалом, бобо Яссавий” шеъри берилган.

Салом, ассалом, бобо Яссавий, Салом, ассалом, доно Яссавий. Қолдирди ҳикмат – сирли хазина, Туркийдан айлаб наво, Яссавий. Асрлар оша дам урмай ётар, Хаста дилларга даво, Яссавий. Сир хазинасин билмадим қачон, Омоқчи кўрар, раво, Яссавий. Ҳар бир инсонда хизрни кўрган, Ҳам ўзи Хизр – даҳо Яссавий. Хуш хулқу одат, тоат ибодат, Рамзи муҳаббат, вафо Яссавий. Туркийдинг пири тарқатиб зиё, Яшайди мангу – баҳо Яссавий. Яссавийзода аталди Фарҳод, Шояд айласа дуо, Яссавий.

Фарҳод Раҳимов Эски Иқон қишлоғи УЭМБнинг илк раиси бўлган эди.

КОНГО-ҚЫРЫМ ҚАНДЫ ҚЫЗБАСЫНАН САҚ БОЛЫҢЫЗДАР!

Конго-Қырым геморрагиялық қызбасы – ауыр интоксикациямен, айқын геморрагиялық синдроммен сипатталатын және иксодты кенелердің шағуы арқылы берілетін табиғи-ошақты трансмиссивті ауру. Инфекцияның негізгі көзі – иксодты кенелер, олар вирусты трансмиссивті жолмен таратады және вирустың сақтаушылары мен аурудың тасымалдаушылары болып табылады. Адам ауруды зақымдалған кенелер шаққан, малды қырықанда және оларды кенелерден қолмен тазартқан кезде кенелердің ішіндегісінің дененің ашық бөліктеріне түсуі нәтижесінде, науқастарды күткенде және оларға медициналық көмек көрсеткенде жұқтырады.

Конго-Қырым геморрагиялық қызбасының негізгі белгілеріне теріге қан құйылу, қызыл иек, мұрын, құлақ, жатыр, асқазан-ішек қан кетулері тән және дер кезінде медициналық көмекке жүгінбеген жағдайда науқастың өміріне қауіп төндіреді. Кене шағудан қорғау үшін келесі ережелерді сақтауы қажет: тікелей шөпке отырмау және жатпау; табиғат аясынан оралғаннан кейін киімді және денені толықтай қарап шығу; үй жануарларынан кенелерді жинаған кезде қолғап кию; денеден кенені байқаған кезде, дереу емдеу мекемесіне жүгіну; кенені алып тастағаннан кейін 14 күн ішінде өз денсаулығын жіті бақылып, нашар сезінген жағдайда дәрігерге қаралу қажет.

Осы қарапайым ережелерді орындай отырып, Конго-Қырым геморрагиялық қызбасын жұқтыру қауіпсіздігін қамтамасыз етуге болатынын есіңізде ұстаңыз!

Барно РОЗИМЕТОВА, №12 ҚЕҢЫН ИНФЕКЦИОНИСТ ДӘРІГЕРІ.

ТУЗАТИШ

“Жанубий Қозоғистон” газетасининг 2026 йил 5 март 25-сонидеги (4-бет) “Ёшлар сисёти – келажакка йўлланма” номли мақоладаги 1-устун 2-хатбоши 6-сатри “Қозоғистон телевидение-сидаги Амина Ўмирзоқова” деб тузатиб ўқилсин.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши хайъати, Туркистон шаҳар УЭМБ бошқаруви, “Жанубий Қозоғистон” тахририяти, вилоят марказидаги Бирлик шўъбаси маъмурияти ҚР Фахрий фуқароси, вилоят оқсоқоллар кенгаши ва шаҳар УЭМБ раислари ўринбосари, фаол жамоатчи обуначи Тойир Абдувалиевга укаси **Эркин БОБОХОН ўғли-**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўтанларнинг охирати обод бўлсин!

Ўшқосат байрами муборақ!

Хурматли опа-сингиллар, бутун дунёнинг меҳрини, гўзаллигини ўзида мужассам этган онахонлар! Сизларни 8 Март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриқлайман.

Бу дунёда бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонни инсон, оилани мустақкам оила қиладиган, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келмоқдасиз.

Азиз ва қадрли опа-сингиллар!

Сизларга сўхат-саломатлик, хонадонларингизга фойза-бароқат, қалбингизга ҳаловат, узоқ умр ва бахт тилайман. Доимо эъзозда бўлинг, орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!



Ўқтам ИБРОХИМОВ,
Шимкент шаҳар УЭМБ
қошидаги оқсоқоллар
кенгаши раиси.

Мухтарам ва азиз онахонлар!

Барчангизни 8 Март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан самимий муборақбод этаман.

Бу байрам – меҳр, садоқат ва фидойиллик рамзидир. Чунки ҳар бир хонадоннинг фойзи, жамиятнинг барқарорлиги, авлодларнинг келажаги аввало, сизларга боғлиқ.

Оналарнинг алласида меҳр, дуосида барақа, тарбиясида келажақ мужассам. Жамиятнинг эртанги кунни, авлоднинг маънавий қиёфаси, энг аввало, оналар туфайли шаклланади. Сизлар бор экансиз, хонадонларда фойза, юртимизда барақа барқарор.

Умрингиз зиёда, соғлигингиз мустақкам бўлсин! Қалбингиздаги нур сўнмасин, чеҳрангиздан табассум арима син. Фарзандларингиз бахти ва ютуқлари билан фахрланб яшаш насиб этсин.

Байрамингиз муборақ бўлсин, азиз онахонлар, қадрли опа-сингиллар!



Неъматжон ХОЛМЕТОВ,
тадбиркор.
Шимкент шаҳри.

Меҳнатни эътироф этилаган онахон

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида узоқ йиллар давомида ҳалол меҳнат қилиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ижодкор ва жамоат фидойиси Победа Абдазимованинг меҳнати муносиб эътироф топди.

Яқинда унинг номи республика миқёсида нашр этиладиган нуфузли энциклопедик тўплам — «Қозғистоннинг Олтин китоби»га киритилди. Бу китобга мамлакат тараққиётига ҳисса қўшган, ўз меҳнати ва ибратли ҳаёти билан жамиятда ибрат бўлаётган фаол инсонлар киритилиши билан аҳамиятлидир.

Бу эътироф унинг узоқ йиллик самарали меҳнати, ижодий излашларига берилган муносиб баҳоидир.

Дарҳақиқат, фидойиллик доим эътирофга лойиқ ва ёш авлод учун кучли рағбат ва ибрат мактаби сифатида хизмат қилади.

Победа Абдазимовани ушбу юксак эътироф билан чин қалбдан табриқлаб, сўхат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва кўплаб ижодий ютуқлар тилаймиз.

З. МҮЙИНОЖОНОВ.



»» Одамлар орасида

Эътиромга сазовор инсон, эл таянчи

Жамиятнинг қудрати – унинг нурунийлари, бой ҳаётий тажрибага эга, эл қорига камарбаста инсонлари билан ўлчанади. Ёши улуг, ҳалол меҳнати, эзу амаллари билан элнинг хурматини қозонган нурунийлар – жамиятимизнинг фахри, қадриятларимиз посбонлари, хонадонларимиз фойзидир. Улар фарзандларини ватанпарвар ва фидойи инсонлар сифатида тарбиялаш баробарида, халқимиз маънавияти ва маърифати юксалишига барақали ҳисса қўшаётган инсонлардир.

Улар йиллар давомида жамият равнақи йўлида сидикилдан меҳнат қилишди. Ҳаётнинг синови ва машаққати сабр, матонат билан бардош беришди. Оғир вазиятларда ҳам улар иродасини йўқотмаган инсонлар сифатида ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтганлар. Уларнинг ҳаёт йўли – ибрат мактаби, дуоси эса хонадонларимиз барақаси тимсолидир.

Шундай нурунийлардан бири – Шаҳодат Абдуллаева дуолари ҳамюртларининг барақаси тимсолига айланган. Онахон оила-сининг фойзи, сулоласининг дошиманди, маслаҳатгўйи. Юртимизга баҳор мўралаб улгурмасиданоқ онахон хонадонига халқ хизматига умрини бағишлаган фарзандлари унинг зиёратига ошиқлашди, дуосини олиб, барақали мавсумдаги байрамлар билан қутлашди. ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Орифжон Холназаров, тадбиркорлар кенгаши раиси Шухрат Рўзиматов, Шимкент шаҳар УЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Уқтам Иброҳимов билан бирга онахон хонадонига Рамазон ойи, Шукрона куни ҳамда Халқаро Хотин-қизлар байрами билан қутлагани бордик, совғаларни топшириб, унинг дуосини олдик.

Ая жорий йилда 92-баҳорини яқинлари даврасида қарши оляпти. Болалиги аини уруш йилларида тўғри келди.

«Болалик – пошшолик» унга насиб этмади. Аксинча, бу давр – машаққат, меҳнат, масъулият ва заҳмат билан кечган йиллар уни сабрли-бардошли этиб тарбиялади. Болалигиданоқ ҳар қандай бойлик ва улуг неъмат меҳнат эвазига келишига ишонч ҳосил қилиб улгайди. Шимкент шаҳридаги А. Навоий номли мактабда саводини чиқарди. Она қизларини кичиклигиданоқ ҳар қандай ишни бошини тутиб кетадиган, «эполлмайман» деган сўзни айтиш у ёқда турсин, хаёлига ҳам келтирмайдиган қилиб тарбиялагани боисми, улар ҳам элли бўлиб вояга етишди.

– Мени йўқлаб келибсизлар, Аллоҳ сизларни азиз қилсин, – дейди Шаҳодат ая сўхбатда. – Биз кўрган кунларни, яшаб ўтган даврларни сизлар кўрманлар, Яратган сизларга неъматларга сероб ҳаёт тақдим этсин. Мак-

таб давримни ҳеч унутмайман. Эсимда, Нўмон устоз ўқишимиз учун бизга барча шароитларни яратиб берарди. Нафиса муаллимимиз рус тилидан дарс берарди. Рус тили дарсида «ни-ма учун мактабга форма кийиб келмайсан», деб мени дарсдан чиқариб юборарди. Устозимнинг мени дарсдан ҳайдашини билсам-да, ўчакишгандек, дарсига кириб боровардим. Бошқа ҳамма фанлардан яхши ўқийман, фақат шу рус тили дарсида қийналардим. Уйга келиб, оймга йиғлайман. Шу даврда қийинчилик йиллари, онам пули борлиги, лекин бозорда мактаб формаси учун махсус газлама йўқлиги туфайли менга форма тикиб беролмаётганлигидан сиқиларди. Мен эса дарсдан ҳайдалишдан чарчаганман, йиғлашимни қўймадим. Урушдан кейинги йиллар. 6 фарзандни катта қилаётган ота-онамга ҳам осон эмас, ахир. Дўконларда буханка нонни карточка билан берадиган йиллар. Уша хуштаём ноннинг мазаси хануз оғзимда.

Шукр, тўқинчилик, серобчилик замони келди. Ҳозирги тўй дастурхонларидаги турфа нонлар ҳамда адоғи йўқ ширинликларнинг исроф бўлаётганини, молларга берилётганини ҳам кўрялман. Шундай пайтда дўконда нонни тарозига қўйиб, тортиб бераётган сотувчи кўз ўнгимда гавдаланиб, беихтиёр кўзимга ёш келади... Бир бурда нон учун биз оғир меҳнат қилганга мажбур эдик. Бир дақиқа ҳам бўш ўтирмаганмиз, қўшни қизлар билан кўчада гаплашиб турганимизни эслолмайман. Ҳовлимизда ўсадиган кукатларни ўрам-ўрам қилиб, автостанцияда сотиб келардик. Қуёшдан авал уйғонадиган авлод биз бўлганмиз. Синглим иккимизга ҳаммамнинг ҳаваси келарди. Доим ҳаракатда, доим меҳнатда эдик. Сизлар келгунча ҳам мол-хоналарни тозалаш, қўйларга ем бериб келдим, қизим. Болам, зшитмасин, «сизга нима етмайпти», деб ҳаҳли чиқади. Фарзандларим, чевараларим мени ортиқча уринтиришмайди. «Қўшнилари нима дейди» деб, болалар ва невараларим куйинишади. Ҳа, нима қилибди? Тирик жон доим ҳаракатда бўлиши керак экан. Акс ҳолда, ўзинг билмаган ҳолда турли хасталиклар излаб



келаваради. Ҳаракат – тириклининг белгисидир. Иш қилсам, бунинг нимаси ёмон, қўшнилари курси кўрибди-да. Имкон топиладими, оилам қорига ярашим керак, дейманда, қизим. Тўғриси, чевара, эвараларимнинг сонини аниқ билмайман. Тасбеҳ дона-чаларини 90га қадар адашмай терганимдек, уларнинг 90 нафарини исмлари билан номма-ном санайман, бироқ бугунга хотиранинг кучи етмайди.

Шаҳодат ая – меҳнат фахрийси. У тикувчилик соҳасида ишлади, тўқимачилик фабрикасида 10 йил, боғчада 20 йил фаолият юритди. Умр йўлдоши Рамат ота билан 5 ўғил ва 3 нафар қиз кўрди. Тақдир экан, оёқлари поезд тағида қолиб, ногирон бўлиб қолди. Рўзгорнинг қийинчиликлари аёл зиммасига тушди. Маҳаллий ҳокимлик унинг меҳнатларини муносиб баҳолади – «Меҳнат фахрийси», Ғалабининг шонли саналарига бағишланган бир неча медаллар билан тақдирлашди. Эндиликда эса қизлари ҳам, ўғиллари ҳам бо-бо, буви бўлишди. Тўғри кизи Хурматой 70 ёшда. Гулноза ҳамда Кларахон ҳам неваралик буви-лар. Ўғиллари Ихтиёр ҳамда Ойбек халқ хизматида. Уч ўғли оламдан ўтган.

– Болаларга тушликни бериб бўлгандан сўнг, маҳалламиздаги кушхонага бориб, гўшт ва калла-поча харид қиламан-да, уйга қайтаман. Қўшниларим мени кўриши билан, «Бизникига келинг, чақчақлашайлик», деб чақиршади. Мен «ҳозир кийимини алмаштирай», дейману уй ишларига шўнгиб кетаман. Саккиз нафар фарзанди бор аёлнинг кўчада қўшнилари билан чақчақлашишга вақти борми?! Бекорчидан худо безор. Мактабдан келган уч қизимни ҳам

уй юмушлари кутиб туради. Болалар бирон бир дақиқасини бўш ўтказмаслиги керак. Болаларни ухлатиб, тунги соат 2да туриб манти тугаман. Соат беш-ча мантим тайёр, уларни тоғорага соламанда, автовокзалда сотаман. Сўнг боғчага югурман. Ишдан келиб ҳам куш-хонадан олиб келган гўшдан таом тайёрлаб, бозорда полиз маҳсулотлари сотувчиларига кечки овқатни етказиб беришга улгуришим керак. 8 нафар бола ўз-ўзидан вояга етгани йўқ, чирогим. Меҳнатдан руҳан тобландик. Қизларимга ибрат бўлган бўлсам керак, улар ҳам ўқишда, ҳам меҳнатда илғор бўлди. Ҳозирги оналарга қайири бўлган фарзандларига, айниқса, бошқа хонадонларга келин бўлиб борадиган қизларига ибрат бўлишмоқда? Ҳозир аёлларимиз бетларига ула-эликни қуюқ чаплаб, қўлидаги телефонга тикилгани тикилган. Бир дастурхон атрофида ўтиришса ҳам ҳаммамнинг диққати қўлидаги ускунасида. Ҳамма бир-бирдан олисда. Ёшлар биз сингари қийналишмайпти ва бунга минг шукр. Бироқ, бу неъматларнинг ҳам қадри бўлмайпти-да. Кириш машина ювса, уйни машина тозаласа, тайёр таомлар кўчадан буюртма билан олиб келинса, она бекорчи бўлиб, қўл телефонидан бўшамаса, қизларимиз кимдан қайси фазилатларни ўрганиши керак? Оналаримиз оиладаги рўзгор тутумлари, тадбирлари, муомала одоби билан намуна бўлишлари керак. Шундагина қизларимиз борган хонадонларига бахт, нур ва хотиржамлик олиб боришади.

Мунира ЖАМОЛИДДИН қизи.

АҲЛИ ДОНИШЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

АЁЛ КИШИГА АВВАЛО, ОНА ДЕБ ҚАРАСАК, ҲАММАСИ ЖОЙ-ЖОЙИГА ТУШАДИ.

Ўткир ҲОШИМОВ.

АГАР АЁЛЛАР БЎЛМАГАНДА, БИЗ – ҲАЁТИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ СОАТЛАРИДА ЁРДАМДАН, УРТАСИДА ҲУ-ЗУР-ҲАЛОВАТДАН, ОХИРИДА ЭСА ОВУНТИРУВЧИДАН МАҲРУМ БЎЛАР ЭДИК.

Себастьян Рош Никола де ШАМФОР.

АЁЛ Ё ЯХШИ КЎРАДИ, Ё ЁМОН. УЧИНЧИ ҲИС УНДА ЙЎҚ.

Публилий СИР.

АЁЛ – ЭРКАКНИНГ БУЮК ТАРБИЯЧИСИДИР.

Анатолий ФРАНС.

АЁЛЛАР ҲАММА НАРСАГА ҚОДИР, ЭРКАКЛАР – ҚОЛ-ГАНИГА.

Анри де-РЕНЬЕ.

БИР АЁЛ ҲЕЧ ҚАЧОН ИККИНЧИСИНИНГ ГЎЗАЛЛИГИНИ ТАН ОЛМАЙДИ.

Готхольд Эфраим ЛЕССИНГ.

ҲИКМАТ ТАГИ ҲАҚИҚАТ

Бутун инсон – ўйлайди, фикрлайди, бировга маслаҳат солади ва унга амал қилади.

Чала одам – у ҳам ўйлайди, фикрлайди, бировга маслаҳат солади, бироқ ўз билганидан қолмайди.

Одаммас – ўйламайди, фикрламайди, бировга маслаҳат ҳам солмайди, ўз билганини ҳам қилмайди.

Бурхониддин МАРҒИНОНИЙ.

Мени булбул уйғотди бир тонг боғимда.
Ҳушимдан айрилгандай анграйдим.
Қарғаларни кўравериб ҳар ёғимда
Кўкларни унутганди танглайим.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ.



Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮЙИНОЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7702-144-60-71.
Жетсай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, режиссёр ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY00022503 уевоҳнома берилган.

«ERNUR» ш.т.б. БМБ Ўзбекистонда чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғистон Республикасида тарқатилади.

Бўғим № 480

Нашир кўрсаткичи – 65466. Адади – 10700 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.ru